



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2014-yil

19-dekabr

№51 (4294)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ!

21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу муҳим сиёсий тадбир сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий шароитларда ўтказилмоқда.

Бундан олдинги, яъни 2009 йилда ўтказилган парламент сайловидан кейин ўтган давр мобайнида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар асосида мамлакатимиз Конституцияси ва миллий сайлов қонунчилигига сайлов жараёни янада демократлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Энг асосийси, сиёсий партияларнинг етуқлик даражаси, фуқароларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётгани сайловнинг миллий қонунчилик ва умумэтироф этилган халқаро стандартлар талабларига тўла мос тарзда ўтказиш имконини бермоқда.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, қуйидаги муҳим бир масалага алоҳида эътибор қаратишни ўринли, деб биламиз. У ҳам бўлса, бугунги одамлар, бугунги сайловчиларнинг ишончини қозониш осон эмас. Нега деганда,

бугунги кунда фуқароларимиз сайлов кампаниясида иштирок этаётган сиёсий партияларнинг ўтган беш йил давомида олиб борган амалий ишларини, улар янги сайловолди дастур ва режаларида қандай аниқ мақсад ва вазифаларни ўз олдига қўйган ҳолда

Сайлов — 2014

сиёсий майдонга чиқаётганини чуқур таҳлил қилмоқда, тарозига солиб қўймоқда. Илгари сурилатган ғоя ва ташаббуслар қанчалик ҳаётий, яқин беш йилда уларни амалга оширишнинг имкони борми, бунинг учун депутатликка кўрсатилган номзодларнинг салоҳияти етарлими, деган ўқир ва ҳаққи саволларни ўртага ташламоқда. Шу боис ҳам номзодларнинг юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ўтказилаётган сайловолди учрашувлари қизғин баҳс ва мунозараларга бой бўлмоқда.

Сайловолди ташвиқоти жараёнида сиёсий партиялар 10 мингдан ортиқ шундай учрашувлар ўтказиб, ўзларининг келгуси ҳаракат дастурларини сайловчиларга ҳар томонлама тушунтириб беришга ҳаракат қилдилар.

Мисол учун, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш борасида янги имкониятларни туғдириб бериш масалалари билан бирга, таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни фаол ва кенг миқёсда жалб этиш, қишлоқ ҳўжалиги тармоғи салоҳиятини янада ошириш сингари муҳим вазифаларни белгилаб олган.

“Адолат” социал-демократик партияси эса давлат ва жамият ҳаётида қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқи ва қонуний манфаатларига тўлиқ риоя қилиниши тарафдори эканини таъкидламоқда. Шу боис партия сайловолди дастурида ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, аҳолини давлат органлари фаолияти хусусида кенг хабардор қилиш, бошқарувда ошқоралик, очиклик принципларини таъминлашга йўналтирган асосли ва амалий ғояларни илгари сурмоқда.

Давоми иккинчи саҳифада.

Ёзувчилар уюшмасида

лаб, улар ижодини юзага чиқариш уюшманинг доимий эътиборидаги вазифалардан саналади. “Ижод” фонди ҳомийлигида 10 нафар ёш қаламкашнинг илк китоблари кўп миң нусхада чоп этилди. Ушбу китоблар республикамиздаги барча мактаб ва лицейларга етказиб берилмоқда.

Элликкальа, Шаҳрихон, Янгийўл туманларида, Термиз, Навоий ва Тошкент шаҳарларида ёш ижодкорлар учун минтақавий “Истеъдод мактаби” семинарлари бўлиб ўтди. Юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан адибу шоирларимиз ҳам муносиб ижод қилишга, бадий юксак асарлар беришга, истиқлол даври адабиётини яратиш йўлида астойдил изланишмоқда.

Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби Сирожиддин Рауф уюшма қошидаги ижодий кенгашлар, нашрлар ва ҳудудий бўлимлар фаолияти ҳақида ахборот берди. “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока”, “Ёшлик”, “Жаҳон адабиёти” журналлари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” газеталарида эълон қилинаётган бадий асарлар, жаҳон адабиётидан таржималар ва бошқа жанрлардаги асарлар ҳақидаги таҳлиллар барчада қизиқиш уйғотди.

Мунозараларда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, шунингдек, Эркин Самандар, Сувон Мели, Шарифа Салимова, Исроил Ёқубов ва бошқа ижодкорлар уюшма фаолиятини янада кучайтириш, бугунги жўшқин ва тезкор замонда ижодкор масъулияти тўғрисида сўзладилар.

Ахборот хизмати.

ДАВР ВА ИЖОДКОР

нинг 60 йиллиги бутун юртимизда кенг нишонланди. Муҳтарам Юртбошимизнинг “Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори асосан, ҳозирданок бутун юртимиз бўйлаб адабий анжуманлар бошланиб кетди. Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Тўра Сулаймон, Охунжон Ҳаким каби атоқли адиб ва шоирларимиз таваллуд кунлари ҳам муносиб равишда нишонланди. Кекса авлод адиблардан 180 нафари даврий нашрларга обуна қилинди.

Ёзувчилар уюшмасига қарашли поликлиникага тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида замонавий жиҳозлар харид қилинди. Юшма аъзолари фарзандлари учун педиатр-шифокор фаолияти йўлга қўйилиб, беш юздан зиёд болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Турли ҳудудларда яшаб ижод қилаётган ёш иқтидор эгаларини аниқ-

САДОҚАТ САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида” ги қарори доирасидаги режалар асосида Жиззах вилоят театрида “Садақатом танҳо Ватан” мавзусида ўтказилган ижодий учрашув ҳақиқий адабиёт байрамига айланди.

— Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб Жиззахда ўтаётган адабиёт байрами 12 декабрга — Ҳамид Олимжон туғилган кунига тўғри келиши раъзий маъно касб этади, — дейди Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилоят бўлими раҳбари Туроб Мақсуд. — Ўзбек адабиётининг икки забардаст ижодкори номини айро-айро тилга олиб бўлмайди. Уларнинг ҳар

иккиси ўзбек адабиёти хазинасига ўзига хос ҳисса қўиш билан бирга ўз ҳаёт ибратлари билан халқимиз юрагидан жой олган. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг қарори халқимиз қалбига эзгу акс садо берди. Қарор чиқиси билан, Жиззах туманидаги “Ҳамид Олимжон ва Зулфия” музейига кўплаб муҳлислар, ёш кексалар таширф бўлиб, нодир экспонатлар билан танишдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али бошчилигида ижодкорлар, вилоят жамоатчилиги вакиллари шаҳар марказидаги Ҳамид Олимжон ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов:

“Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоян этган атоқли шоиримиз Зулфияхонимни ҳам мен аян шундай фидойий инсонлар қаторига қўшган бўлардим. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу зақоси, фазлу камолнинг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърят муҳлисларига одабийлик, муҳаббат ва садақатдан сабоқ берган, десак муболага бўлмайди”, дея таърифлайдилар — деди Жиззах вилоят ҳокими С.Исмоилов ижодий учрашувни очар экан.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг



Хотам МАМАДАЛИЕВ (ўса) олган сурат.

Нурли давронлар уғун

Юртимиз қай гўшасига яйрабон солсам разм,
Янграбон оромжон дилбар қўшиқ, дилбар назм
Кўчаю қўй хонадон ичра ҳама ўйнаб-қўлиб,
Ҳар кеча хўш қайфият, ҳар дилда байрам ҳам базм.
Элимизнинг кунда деб тўйсиз кечар бир оғи йўқ,
Яйраб изҳорлар этар — шукронамизнинг сони йўқ.

Мустақиллик тўхфаси — барча саховатлар учун,
Эл аро эркинлиги роҳат-фароғатлар учун.
Шукримиз кўлдир бағоят, қаллимиз тик, кўлда бош,
Тинчлик, осойишталик, адлу адолатлар учун.
Халқимизнинг кунда деб тўйсиз кечар бир оғи йўқ,
Ҳаққа бу даврон учун шукронамизнинг сони йўқ.

Ярқираб қишлоғу кенту шаҳр ила пойтахтимиз,
Хуриятга етдигу бўлди фаровон бахтимиз.
Менгизди жаҳнатга юрт бунёд этиб минглаб қаср,
Қун сайин омад қулиб, бормоқда ортиб нақдимиз.
Хўр элимизнинг кунда деб тўйсиз кечар бир оғи йўқ,
Бундайни толе учун шукронамизнинг сони йўқ.

Бор шаҳар, қишлоқ, овулда бахт қириб ҳар хонага,
Ошиқ Эркин рост деяр: дунди Ватан тўйхонага.
Хуриятнинг қадрига етмоқ керакдир дўстларим,
Бу — жаҳон айвонида айланли юрт дурдонага.
Ўзбегимизнинг кунда деб тўйсиз кечар бир оғи йўқ,
Нурли давронлар учун шукронамизнинг сони йўқ.

Ошиқ ЭРКИН

“АЛПОМИШ” — ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА

Алпомишнинг туғилиши ғаройиб. Шоҳирмардон пирнинг башоратлари ҳайратомуз. Етти ёшида ёйни кўтариб отгани қаҳрамонлик. Вақти етгач бошқа мамлакатга сафари тақдири азал. Ёй тортиш, от пойгаси, кураш — бу шартлар босқичма-босқич алпчилигини мустаҳкамлаб, она юртини химоя қиладиган йигит қиёфасини чиғиб беради. Ўзбек халқининг орзую армонлари, истагу ниятлари сабаб Алпомиш пайдо бўлди. У бутун бир жамиятни эзгуликка етакловчи қаҳрамондай улуғланади.

Дунёда қанча элату миллат бўлса шунча қаҳрамонлиқ дostonи бор. Ҳар бири ўзига хослиги, қизиқарли сар-

гузашлари билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Достончиликда бир-бирига ўхшаш сюжет бўлиши табиий жараён. Корейск халқининг “Жумонг” достонини олайлик. Телеэкранда мириқиб томоша қилганимиз ҳали-ҳамон эсимизда. Жумонгда ҳам Алпомиш сингари ғайриоддий туғилиш, мамлакатни тарқ этиши, мусобақалар — буларнинг барчаси бир-бирига ўхшаш. Дарҳақиқат, инсон қаерда, қайси муҳитда яшамасин, у хамиша эзгуликка, яхшиликка ва муҳими халқни маълум бир мақсад сари етакловчи қаҳрамонга муҳтож.

Куни кеча Жанубий корейлик Ингёнг Он хонимнинг “Алпомиш”

ва “Жумонг” достонларининг қиёсий типологик таҳлили” монографияси нашр этилди. Мазкур тадқиқотда икки халқ афсонавий қаҳрамонларининг туғилишидан тортиб қилган ишларию, ўй-мақсадларигача бир-бирига ўхшашлиги эътироф этилган. Ростданам, эзгу амал миллат танламайди. Дунёнинг қайси томонида, қандай жамиятда бўлмасин инсонни инсондай кўриш нияти хамиша етакчи-дир. Бу иккала дoston ҳам озод ва эркин инсон тушунчасининг бадий талқинидир. Энди “Алпомиш” дostonини Жанубий Корейда ҳам мутолаа қилишди.

Ўзбекистон ва жаҳон

ТУЙҒУЛАР БИРЛАШГАНДА

“Ўзбекистон — Ҳиндистон” дўстлик жамиятида “Ҳиндистон: Ўзбекистон ёш рассомлар нигоҳида” деб номланган анъанавий кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад икки халқ орасидаги қадимий дўстлик ва биродарликни, маданий-маърифий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ҳисса қўишдир. Танловда ёш хаваскор ва моҳир рассомларнинг эллиқдан ортиқ асарларидан ташкил топган кўргазма намойиш этилди. Суратларда икки мамлакатнинг ҳаётига, табиғати бўлган меҳр-муҳаббат, дўстона муносабатлар, улугвор тарихий обидаларлар ёшларга хос самимий, бегубор манзаралар орқали ифода этилган. Айниқса, дўсту биродарлик туйғулари мужассам манзаралар томошабинлар эътиборини тортиди.

“Ўзбекистон — Ҳиндистон” дўстлик жамияти, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Лал Баходур Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази ҳамкорликда ташкил этган кўрик-танлов ғолиблари диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Салим КСМИЛОВ

Санжар ТУРСУНОВ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Партиянинг устувор вазифаларидан яна бири кишлоқларимизни ҳар жиҳатдан тараққий эттириш, муқобил энергия манбаларини ҳаётнинг барча жабҳаларига кенг жорий этиш, уй-жой, коммунал соҳа ва кундалик турмушда қуёш энергиясидан ҳамда бошқа қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишни қўллаб-қувватлашдан иборат.

“Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди дастурида Ўзбекистон халқининг бой илмий-интеллектуал мероси, миллий қадриятлари, анъана ва урф-одатларини сақлаб қолиш, чуқур ўрганиш, бойитиш ва кенг тарғиб қилиш учун ишлаб чиқилган стратегия орқали “Юксак маъна-

босма майдони бепул ажратилгани гоёат муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўз навбатида, Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан сайловга тайёргарлик ишларининг белгиланган муддатларда, қонунга қатъий риоя қилган ҳолда олиб борилиши натижасида бугунги кунга келиб мавжуд 9035 та сайлов участкаси 20 миллион 700 мингдан зиёд фуқароларимизнинг ўз конституцион ҳуқуқини амалга ошириши учун тахт ҳолга келтириб қўйилди. Бунда, табиийки, округ ва участка сайлов комиссиялари таркиби илгари ҳам сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этиб, бу соҳада етарли тажриба тўплаган, жамиятимизнинг обрўли кишилари ҳисобига шакллантирилган ҳам катта аҳамият касб этди.

ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ!

вият – энгилмас куч” гоёсини рўёбга чиқариш муҳим вазифа қилиб белгиланган. Бундан ташқари, партия кишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада ошириш мақсадига уй-жой ва инфратузилмалар қурилишини қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли фойзаларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратиш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, айниқса, миллий спорт ўйинларини қайта тиклаш борасида амалга оширилаётган ишларда фаол қатнашиш каби кенг қўлмалли масалалар ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга ахтиёжманд катламларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнатга лаёқатли одамларни, асосан, қасб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ихтисосликлари бўйича ишга жойлаштириш ва барқарор иш ўринлари яратиш вазифаларини илгари сурмоқда. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, хусусан, озиқ-овқат ресурсларининг мустаҳкам базасини шакллантиришга ҳам эътибор қаратмоқда.

Сиёсий партиялар ўз олдида қўйган бу каби мақсад ва вазифаларни тўлақонли равишда сайловчиларга етказишда уларга, депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг шароитлар яратилгани, давлат телерадиоканалларида бир хил эфир вақти ва босма оммавий ахборот воситаларида тенг

Очиқлик ва ошкоралик сайлов жараёнининг муҳим тамойиллари экани ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода, барча даражадаги сайлов комиссиялари фаолиятида, сайлов кампаниясининг барча босқичларида – сайловчининг овоз бериши бундан мустақилоқ, албатта очиқлик ва шаффофлик таъминланмоқда. Буни Марказий сайлов комиссиясининг бир қатор халқроқ тузилмалар, дунёнинг қарийб 40 давлатидан 300 дан ортиқ қузувчиларни рўйхатда олгани, округ сайлов комиссиялари томонидан сиёсий партияларнинг 70 мингдан зиёд қузувчилари ва ваколатли вакилларига тегишли ҳужжатлар топширилгани ҳам тасдиқлайди. Шу билан бирга, Марказий сайлов комиссиясида аккредитациядан ўтказилган 350 нафарга яқин маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари сайлов жараёнини ёритишда иштирок этмоқда.

Мамлакатимиз, сиёсий партиялар, бутун халқимиз учун катта сиёсий имтиҳон бўлмиш сайловнинг ҳал қилувчи палласи яқин. Ўтган вақт мобайнида партиялар ва номзодлар ўз вазифаларини баҳарлишга астойдил ҳаракат қилди. Энди эса биз, сайловчиларнинг навбати. Шундай экан, ҳар биримизнинг сайловда фаол иштирок этиш, у ёки бу номзодга онгли равишда муносабат билдиришимиз нафақат фуқаролик ҳуқуқимиз балки она Ватанга фарзандлик бурчимиз ҳамдир.

Барно СУЛТОНОВА

Шу йил 15-16 май кунлари қадим Самарқандда юксак савияда ўтказилган “Ўтган асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида Президентимиз Ислам Каримов ўз маърузасида жумладан, шундай деган эди: “Бутун ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкин ва буни алоҳида қайд этмоқчиман, Ўрта асрлар Шарқ даҳлоларининг буюк кашфиётларидан иборат илмий мероснинг чуқур қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда”.

Шундан кейин фақат Ўзбекистондаги китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланаётгани, уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатида киритилгани, бундан ташқари ажодларимиз яратган нодир асарлар дунёнинг энг нуфузли кутубхоналари хазиналарини бойитиб тургани ҳам таъкидланади. Ҳақиқатан, ўз вақ-

қилинган, меъморчилик ривожланган. Хуллас, цивилизация тўлиқни Осиёдан Европага ўтиши таъминланган. Кейинчалик истилочилик урушлари туфайли ҳукмронликнинг Европа вакиллари қўлига ўтиши оқибатида олдинги тараққиёт унсурлари вайрон қилинган, инчунун, қўлёзмалар йўқотилган. Қиёри шу толоўтўлардан омон қолган ва физика,

олинавермаган, зеро, шундай шарафга эга бўлиш буюк тарих даҳлдорлигини англатади. Очиги, ҳозиргача Ширкент ҳақида маҳвум таассуротлар қарор топан, у 1991 йилда чоп этилган “Темур тузуқлари”дан бошлаб Қарши туманининг маркази Бешкент деб изоҳлаб келинганди. Бу маълумотдан кўнгилда бир иштибоҳ бор эди

Кишлоқнинг яна бир эътиборга тортадиган томони унинг яқинида имом Муин ота тепалиги бор. Унинг бағри қабристон бўлиб, қўшни Ковчин кишлоғига ҳам тегишлидир. Дахмаси шу жойда боқий бўлган “Муин ота” эса, манбаларда таъкидланганидек, Абул Музин ан-Насафий (1027-1114)га тегишли бўлиб, ул зоти шариф ўз даврининг йирик алломаларидан ҳисобланган, калом илмида асарлари машҳур бўлган, фақих ва усулётчи олим сифатида шухрат қозongan. Профессор Убайдулла Уватовнинг қайд этишича, унинг тўртинчи бобоси Махмуд ан-Насафийдан бошлаб, сулоланинг давомчилари ҳадисларни ўрганиб тўплаганлар ва бошқа диний илмлар би-

мизни қанча ҳис қилсақ, уни юзага чиқаришда ҳам зимма-мизда шунча масъулият борилигини идорқ этмоғимиз шарт. Худди катта дарё жилғалардан тўлиб бурганидек, тарқок тарихий маълумотлар ҳам кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан мукамаллик касб этиб бораверади. Мана, жонли мисол. Ангор туманида бўлиб ўтган бир тадбирда Амир Темурнинг шу ҳудудларда маънавий устози, пири Саййид Барака билан илк бора учрашгани ҳақида гап бўлди. Бу йиғилганлар учун янгилик эди ва ҳеч ким унга қўшимча қилишга ботинмади. Фақат “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоли Дилшод исмли йигит ўзгача қизиқиш билдириб, бу воқеа ай-

ланади. Сариосиё тумани ҳудудидан эса Хўжапирях чўққиси шундоқ кўзга ташланиб туради. Унинг ҳам боши йил бўйи муз ва қордан аримайди, узоқлардан “Чиколмайсан!” дегандек мағрур кўр тўкиб туради. Хўжапирях ва Хўжапирях

Биз киммиз?

(Хўжапирях, Осмон талош) икки чўққими ёки битта чўққининг икки хил аталлими — буни билмадик, бироқ Мирзо Бобурнинг шу атрофларда бўлгани, ҳатто “Ким кўрибди, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиқ” деб бошланувчи машҳур газалини айнан ўша кунларда яратганини “Бобурнома”да қайд этган. Энди “Бовурчи” деган сўзга эътибор берсак, гарчи луғатларда “Бовурчи — ошпаз” деб изоҳланса-да, халқ ўртасида уни “Бовурчи — Бобур юрти” деган талқини ҳам бор. Бунга асос эса шу чўққи пойида “Мирзовуланг — Мирзонинг ўланги (яйлову) ва “Шоюрти” (шоҳ юрти) деган улкан қўриқлар ястаниб ётибди. Шу жойларнинг жануб тарафидан эса Қалъа шерон дараси ва машҳур Амир Темур ғори... Бу далилларда икки мантиқий боғланиш борга ўхшайди.

Умуман, қадимда шу ҳудудлардан ўтадиган катта қаровон йўли мавжуд бўлганига асос бор. Негаки, тарихларда Александр Македонскийнинг Термиздан Самарқандга тўғри ўтганлиги қайд этилган. Бу йўл тоғлар орасидан ўтиши ва шу изларга тўғри келиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Яна бир мулоҳазали гап. Ҳозиргача гўзал малика Рухшонанинг қароргоҳи (қўрғони) қаерда бўлгани аниқ эмас. Энди Тошкўрғон қишлоғининг рўпарасидаги “Қўрғон” деган манзил эътиборни тортади. Бу жойда атрофда учрамайдиган тошлардан тазамин кўтарилиб, иморат солинган ислари сақланиб қолган. Тонгда Бовурчи чўққисидан кўтарилиб қуёш елкисини силлаб ўтувчи Қўрғондан минг метрлар чамаси пастда қўл бўлган. Албатта, ёвдан муҳофиза мақсадида бўлса керак, сув олиб чиқиш учун ёпиқ лаҳм қавланган. У йиллар ўтган, чўқиб қолган, ислари ҳозир ҳам сақланган. Халқ тилида бу қўрғонни бир золим ҳукмдор қурдиргани, жами эр-

каклари сафарбар қилиб, узоқ-узоқлардан елкаларидан тош ташиттиргани, уларни ҳатто ишнинг оғирлигидан хотинлари билан учрашишга ҳам рухсат бермагани ҳақида ҳикоя юради. Қўрғондан қўлга тушган лаҳминг ўрни тилимиздандек бўлиб қолган, уни қўз билан аниқ пайқаса бўлади. Аммо ҳеч ким уни ўрганишга жазм этмаган. Аслида ўрганишга лойиқ қанча синаотлар бор.

Тошқўрғондан кун чиқар тарафга Қизилсув дарёси бўйлаб 60-70 чакиримлар йўл кетади. Бу сирли маскани “Кийик дара” деб аташди. Унинг ҳар бир ўрамади қанча синаотлар яшириниб ётибди. Одамлар қояларнинг тағларидан уюм-уюм китобларни қўришган. Айнан “Бум” деб аталадиган жой рўпарасида қўй боқиб юрган Рус-тан ва Нусрат исмли болалар чакалқор, бутазор бир қиялиқдаги ўнгирда одам бўйидан кам баланг тахналиб ётган китобларнинг устидан чиқиб қолишади. Бунга ҳам қирқ йил бўлиб қолди. Ўша пайтлар қўлёзма китоблар борасида шакланган салбий қарашлар туфайли болалар бу манзарадан қўриқ кетишади ва қўрғанларини ҳеч кимга айтишмайди. Рустам Назаров ва Нусрат Тошев энди олтимиш ёшни қоралаб қолди. Ҳамон гурунларда ўша даamlари эслашади. Энди истиқлол йилларида у китоблар тўғрисида қадрланган таъкидлаб:

— Ўша ўнгирни топа оласизларми? — деган саволга,

— Шунчалик қўрққан эканмики, ўша жойни унутгани ҳам, қанчадан ўтмаслиқка интилганми. Бироқ китоблар кўз ўнгимизда турибди, шипга тирмаштириб тахланган, анча кўп эди. Аммо тахминлаб топса бўлади, — дея жавоб беришади.

Бир қарашда афсонадек бўлиб туюлувчи бундай гаплар замирида катта ҳақиқатлар яширинган. Энди ўз тарихимиз, ўтмишимиз юзасидан қўрқмай мулоҳаза юритиш имкони юзага келган экан, ҳозиргача одамлар тилида юрган, катта тарихга доир далилларни илмий ўрганиш фурсати етди. Зеро, буюк ўтмишга дахлдорлик барчадан масъулият талаб этади. Ватанпарварлик бурни ҳам шуни тақозо этади.

Ҳаким САТТОРИЙ

БУНЁДКОРЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Яқинда дўстларим билан дийдорлашмоқ ниятида Андижон шахрига бордим. Сафар давомида юртимизнинг ҳар бир гўшасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари биз каби ижодкорлар учун илҳом манбаи эканини янада теран ҳис қилдим. Илҳомнинг асосий манбаи Ватанимизнинг озолиги ва ободлигидир.

Дунёнинг турли чеккаларида табиий офатлар, ўзаро манфаатлар тўқнашуви боис одамлар азият чекаётганини билиб, ҳис этиб турибмиз. Ана шундай талотумлардан тинч эканимиз, ҳаётимизнинг оқсоишталиги шукронамизнинг асосий сабаби, туганмас илҳом манбаидир. Андижон таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Бири-биридан кўркам бинолар, кенг ва файзли кўчалар, анвойи дарахтлар гуллар... Бунёдкорлик, ҳақиқатан, халқимизнинг қалби ва руҳига сингиб кетгани рост. Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу халқ дўпписида сув ташиб бўлса ҳам, дарахт экади, гул кўқартиради, ўзи яшаётган заминни обод қилади.

Илҳомнинг яна бир манбаи ҳазрат Алишер Навоий «Хамса»сидаги комил инсон тимсоли — Фарҳодга хос фазилатлар халқимизда бугун янги микёсларга кўтарилаётганидир. Ана шу фазилат самараси ўлароқ темир от тоғларни кесиб, Тошғузардан Қумқўрғонга етиб борди. Андижон сафари асносида Ангрен — Поп темир йўл қурилиши жадал суръатларда давом этаётганидан кўнглимиз тоғ қадар ўсди. Бу каби оламшумул ишлар юртимиздаги ободлик нишонасидир. Халқимиздаги бундай шиолатни, химматни қўриб, шеър ёзмаган шоир қандай шоир бўлди? Бундан хайратланмаган, туйғуларини қозғога тўкиб солмаган ижодкор қандай ижодкор бўлди?

Андижондаги дўстларим билан суҳбатлашар эканман, уларнинг ҳар бирида ўзгача бир завқ, кўнглиларидан бугунги ютуқлардан шавқ борлигини қўриб қувондим. Одамлар онгу шууридаги, руҳиятидаги кўтаринкилик барча ютуқларимизнинг асл манбаи эканини ҳис этдим.

— «Биздан овоз ва обод Ватан қолсин» деган ҳикмат замирида катта маъно бор, — дейди дўстларимдан бири тадбиркор Қимсанбой Зокиров. — Халқимизнинг ўзига хос фазилати шундай, ўзини ўйламайди, болам деб яшайди. Барча згуликни авлодларига иллинади. Ўзи қўрган машаққатни боласи кўрмасин дейди. Андижонимиздаги ободлик миллатимизга хос ана шу юксак фазилатнинг маҳсули, юрт раҳбари олиб бораётган одилона сиёсат самара-

сидир. Биз фарзандларимизни ана шу ободликни қадрлаш, бугун эришилаётган ютуқларни янги-янги муваффақиятлар билан бойитиш руҳида тарбиялашимиз зарур.

Дўстим Одилжон ҳам тадбиркор. Юртимизда тадбиркорга, ишбилармонга яратилаётган

Эл обод — дил обод


шароит, унинг фикрича, кўнглилардаги завқ шавқнинг асосий манбаидир. «Тадбиркорлик халқимизнинг қонида бор, — дейди у мамнун қиёфада. — Ўзбек ақлу тафаккурда, шижоатда



Шухрат Олимов (ўзА) олган сурат

дунёдаги ҳеч бир миллатдан қолишмайди. Мустақиллик ана шу тафаккурга, ана шу шижоатга ўзгача бир қувват берди. Натижада одамлар ўзибўларчилик иллатидан, боқимандалик кайфиятидан халос бўлди, ўз салоҳиятига, эртанги кунига ишонч қучайди. Ана шундай яратувчанлик руҳининг шаклангани энг катта бойлигимиздир».

Мураккаб ва зиддиятли замонларни қўрган, Иккинчи жаҳон уруши машаққатларини бошдан кечирган отахонлар билан суҳбатлашсангиз, бугунги куннинг қадрини кўпроқ англайсиз. «Бундай омон-омон замонни энди кўряпмиз, — дейди уруш ва меҳнат факрийси Абдувахоб Иброҳимов. — Кўп қийин даврларни бошдан кечирдик. Азиз авлиёларнинг номлари қатагонга учраб, мазорлари хор қилинган замонлар ҳам ўтди. Мустақиллик бизга ҳамма нарсамизни — ор-номусимизни, шону шавқа-



лан шугулланганлар, шоғирдлар тайёрлаб келганлар. Демак, бу зот ниҳоятда табарруқ шахс, мўътабар сулола вакили.

Суҳбат асносида бой меросимизни ўрганиш, уларни ёш авлодга етказиш, бу борада илгор мамлакатлар тажрибаси бора-бора мулоҳазалар айтилди.

Ҳар ҳолда мозий қатларига сингиб, маъхумлашиб кетган, бугун маъносини қақишга унча-бунча ақл ҳам ожизлик қилиб қоладиган ўтмиш бойлиқларини истифода этишда кўпчиликнинг саъй-ҳаракати жуда асқотади. Биз буюк тарихга дахлдорлиги-

БУЮК ТАРИХГА ДАХЛДОРЛИК

тида ва кейинчалик ҳам шундай китоблар бўлгани, уларнинг баҳосига мамлакатларнинг бир йиллик хирожи ва божи етмаган. Улар шу даражада мўътабар бўлиб, муносив қадрланган. Ёки бошқа бир эътироф. Нобель мукофоти сазовор бўлган Қиёрилардан бири шундай деган экан: “Қордовада минглаб қўлёзмалар аёвсиз ёндирилди. Шулардан тўрттаси тасдиқдан бизгача етиб келган экан. Биз уларни тадқиқ қилиб ўрганишимизда, тоғдан кашфиётларимиз уч бора Нобель мукофоти олишни таъминлади”. Азалдан маърифат масканларидан бўлган, гот епископлари қароргоҳи ҳисобланган Қордова 711 йилда араблар томонидан эгалланиб, 755-1031 йилларда унинг пойтахти ҳисобланган. Шу йилларда бутун дунёдан, жумладан, Мовароуннаҳрдан йиғиб келтирилган қўлёзма асарлар Пиренея ярим оролидаги Андалузия, Арагона, Гранада, Каталония каби шаҳарларда ташкил этилган илмий марказларда ўрганилган, лотин ва бошқа тилларга таржима қилинган. Бу саъй-ҳаракатлар туфайли алоҳида фанлар — астрономия, география, физика, медицина ривожланган, дастлабки университетлар очилган. Шундан сўнг денгиз сайёҳлиги йўлга қўйилиб, янги қитъалар, ороллар кашф қилинган. Ички ёнув двигатели ихтиро

ҳимия соҳасидаги улкан кашфиётларга сабаб бўлган битиклар ҳақида сўзламоқда.

Ҳақиқатан, юртимизнинг нодир маънавий ва моддий бойликлари шу қадар кўпки, уларни ўрганиш, тадқиқ этиш ҳақида гап кетганда донишмандларимиздан бирининг: “Қанча кўп ўқисам, шунча кам билишимни англайман”, деган иккори ёдга тушади. Ўз таъқиқотчилари қилиб ётган хазиналар қатидаги сир-асрорлардан воқиф бўлганингиз сари бу борада ҳали кўп нарсаларни ўрганишингиз кераклигини англайсиз. Яъни бир мўъжиза бошқа мўъжизага йўл очади, бир ҳикмат бошқасининг маъносини тўлдиради ёки янгиини эслаб топишга туртки беради. Таъбир жоиз бўлса, маънавий хазиналар юртимиз ҳудудларида шундай сочилиб ётибдики, ҳар қадамда бир улғу зотнинг изи қолгандек, ҳар бир ҳудудда бир минора ёки масжид бўй чўзиб тургандек туюлади.

Ўтган йилги бир сафар асносида Қашқадарёнинг Ширкент қишлоғига боришга аҳд қилдик. “Темур тузуқлари”да қайд этилганидек: “Ширкент мавзесида етдим ва ўша ерда бир кеча-кундуз тўхтаб, яна йўлга тушиб, Қарши қалъасидан бир фарсанг масофага келиб туддим”. Дарҳақиқат, “Тузуқлар”да унча-бунча киши ёки жой номлари тилга

ва “наҳот Бешкент билан Ширкент бир жой бўлса?” деган гумон оралаб юрарди. Қизиқ тарафи — шунча йилдан буён бирор киши бунга эътироз билдирмаганди.

Суҳбатлардан бирида шу масала муҳокамага тушиб қолди ва ўтирганлардан кўпчилиги Қарши туманида Ширкент деган алоҳида кишлоқ борилиги, у ҳар жиҳатдан Бешкентдан фарқлианишини айтиб қолди. Хуллас, қизиқишимиз бизни шу кишлоққа бошлади. Қаршидан кун ботарга қараб, Бешкентни ҳам ортда қолдириб, яна ўн чакиримлар юрилган, Ширкентга етдик. Кишлоқ оқсоқоллари, муаллимлар билан мактабда қизикарли суҳбат бўлиб ўтди. Очиги, ҳеч ким кишлоқлари мўътабар бир манба, яъни “Темур тузуқлари”да қаламга олинганини билишмас экан. Фақат хотираларда боболарининг “Амир Темур бир кеча қўниб ўтган” деган маълумоти сақланиб қолган. Баъзи далиллар билан қизикдик. “Ширкент” сўзи бир мусофирга сув ўрнича сут тутилганидан келиб чиққанини, бу жой азалдан кўкаламзор, чорвабоп маскан бўлганини эътироф этишди. Богдорчиликда ҳам ўз анъаналари, ўзига хос мева навлари бор экан.

Машраб БОБОЕВ

НОНУ НАСИБА



Тирик сағрлар

Куёшим, бағримга киргил, марҳамат,
Ёду соч, ёнгину ўртанма фақат.
Бу изтироб тўла тенгсиз саолат
Иккаламизга тенг муборак энди!

(Этюд)

Қайноқ ёз ўрнини эгалламыш куз,
Дарахтлар тўкади битталаб япроқ.
Хазонрезги боғда йиғит билан қиз
Қалбларда ҳаяжон...
Лабларда титроқ...

Жудолук япроқлар қаддини букар,
Мунгли шивирлашар улар эртагин...
...Бир ёнда дарахтлар баргини тўкар,
Бир ёнда уйғонар севги қуртаги...

Кўзларим кўзларинг қасдида,
Кўзларинг бегона этмагин.
Мен сенинг қулишман аслида,
Мен сени севаман, тентагим!

Банд этиб кўнглимнинг кўшқини,
Сен менга қиласан адолар.
Ва лекин сочларинг мушқини
Ўғирлаб кетади саболар.

Висолга етолмас тоабал
Қошларинг, ораси гар яқин,
Қошлардай қилмагин дубал,
Сен мени йиғлатиб қўймагин.

Кўзларинг — оламга зиёдор,
Баҳорлар уйғонур жилмайсанг.
Кўйингда ким-кимлар адодор,
Сен бунни билмайсан, билмайсан.

Бепарво бўлмасанг бунча ҳам!
Дилбарлик касб этиш шу қалар!
Пойингда жулдам кўп одам,
Кўз тегиб қолмасин, алҳазар!

Ҳисларим йўлингда пояндоз,
Ҳисларим тепкилаб кетмагин.
Ҳисларим йўлингда сўйлар роз:
Мен сени севаман, тентагим!

ЎЧМАС ЧИРОҚЛАР

Ҳали тонг дуррасин ўрамаган тоғ,
Ҳали,
Қояларга нурлар кўчмаган.
Аммо,
Кўп уйларда одамлар уйғоқ,
Кўп уйларда чироқ ўчмаган...

... Билмасам ҳам —
Нега шу пайтга қадар
Одамлар ухласам,
Одамлар белор —
Беҳад бахтиёрман:
Ёнар чироқлар,
Шулар қаторида
Меники ҳам бор...

ДЕҲҚОН

Ҳали баҳор уйқудадир, кўзларини очмаган,
Олам узра турфа-турфа рангларини сочмаган.
У кўринмас на чучома, на ўрикнинг гулида,
Кўшиқ бўлиб янтрамайди қалдирғочнинг тилида.
Эндигина кўтарилар ердан кишининг ҳовури,
Қулоқларни батанг қилмас ҳали меҳнат говури.
Лекин биров лойга ботиб, далани кезиб юрар,
Ҳаёлида сон-саноксиз режалар чизиб юрар.
Ўйга тўла нигоҳида уфқлар акс этади,
Юрагида ташвиш билан ҳаяжон баҳс этади.
Ер — тириклик ташвишлари толиқтирган оёна,
Мудроқ босган онасининг қошида парвона у.
Лорсиллаган шўлдорлаги чизик борки — меҳнатдир,
Унга она юзидаги ажинлардай қимматдир.
У онадан илтижоли кўзларини узмайди,
Эртанги кун берадиган инъомини кўзлайди...
Ҳали баҳор ухлаб ётган бўлса кишининг мулкида,
Ҳали бўлса далаю дашт изғиринининг ҳукмида,
Бу серташвиш, бу безовта одам кимдир,
қай жондир?

Деҳқондир у, деҳқондир у, деҳқондир у,
деҳқондир!



ФАҲР

Куёшига интилиб ўсдим,
Боғларига ошиқ бўлдим ёз.
Бугдой гулин кўнглимга қўшиб,
Тонгларига қилдим поёндоз.

Шаҳарларин сочини ўрдим,
Қишлоғида ясадим тандир.
Битиктошлар қулфи дилининг
Атрофидан айландим гир-гир.

Байроқлари самодай, баланд.
Кўшиғида пирлар ҳикмати.
Тўйларида қарнай бошидан,
Исириқлар айланиб қайтди.

Онам сочин ҳидидай анбар,
Гужумгуллар сочганда гулчанг,
Мен шеъримга сўрич қилай деб,
Булоғидан олиб келдим ранг.

Синосига сир айтди асрор.
Имомлари пайғамбар ёри.
Ҳаққушларнинг бошин силади.
Бухорининг қалин девори.

БОБОМ
ШАҲАР КЕТДИ

Нимлош хуржун обдон ювилди.
Кўйлак-чалвор тикилди янги.
Ковуш, маҳси мойлангач, секин
Ҳассанинг ҳам ўзгарди ранги.

От ёлига тарақ берди зеб.
Кўлрўмонга сепилди гулоб.
Пуфлаб-пуфлаб узум узилди,
Том бошига келганда маҳтоб.

Ёғли қулча ҳиди анқиди,
Соз идишга сизди сариқ ёғ.
Масжид устун ҳансираб чопди,
У улловга миниб кетар чоғ.

Итимизнинг феъли бузилди.
Сал-пал ҳордиқ чиқарди кетмон.
Қамишқалам сиёҳдон миниб,
Ўтиб кетди қўшни уй томон.

“Мен ҳам...” деди сарҳовуз толи.
Сал ранжиган бўлди уйғужум.
Кўриқчининг кетганин кўриб,
Қўшлар боққа ёприлди шу зум.

Ибодат РАЖАБОВА

КҲҲҲҲҲ
ИНТИЛИБ ҲСДИМ

Бу дунёнинг зорлари,
Юрагимдан ташқари,
Яшил кўнглим ичида,
Гулчангларнинг сафари.

Мой қорғоздан мой ичди,
Белбоғингиз гуллари.
Зарафшоннинг заридан
Гўшанга тикди пари.

Чорбоғи шом қизарди,
Деворлари нилуфар.
Ялғиз тугган уруғлар,
Фалакдан олди хабар.

Қарсак чалдим Жамшиднинг,
Жомлари шарбат дил,
Туг пойида бош урдим
“Машраб тургил, тур, тирил!”

Қаламимнинг ковуши,
Пойгакни қилса меҳроб,
Бухорининг базмлари
Гулхона бўлди, офтоб!

КҲҲҲҲҲ
КИРГАНИНГ МУБОРАК

Кўзгунинг ортидан югурдим,
Кипригим мулкига сизди шом.
Бўйинимга маржондай осилди,
Хайёми кўмсаган эски жом.

Бошимни осмонча кўтардим,
Елкамда қуш ёзди жойнамош.
Тоҳирлар сандигин ичидан
Қулф бузиб топганим кўк парвоз.

Кулгунинг тўтиё шимди-ю
Дуолар бўлганда дилқалқон.
Ёнимда турганин нуридан,
Белимни боғлади Зарафшон,
Кўнглимга кирганинг муборак...

ЁЗ РАНГИ

Нивачи қиз турмушга чиқди,
Куёв қилди бир давра ари.
Теракларни титроққа қорди,
Қовуларнинг пишган хабари.

Сўқмоққамиш қайрилиб ўйнар,
Бошларида шамол елпигич.

И.РАЖАБОВА 1956 йили Бухоро вилоятида туғилган. ЎзМУнинг журналистика факультетини тахсил олган. “Осмондаги фаршита”, “Бухорода гужум гуллади”, “Қуш киприги” каби ўнга яқин китоблари чоп этилган.

Зулфия таваллудининг 100 йиллиги

«Гулхан» ва «Гунча» журналларида ишлаган йилларим улуг бир инсоннинг меҳрини доимо ҳис қилдим. Ҳар икки журнал ҳам «Саодат»нинг оналик меҳрига қониб борди. Бу меҳр Зулфия опа орқали ўтарди. Устоз кўпинча «Она қаерда бўлса, бола ўша ерда бўлади» деб учрашувларга мени ҳам тақлиф этарди. Жамоат ташкилотимиз бир бўлгани учун мажлисларда уларнинг фикр-



опа унга одатдагидан ҳам меҳрибон, ғамхўр бўлди.

Менга «Саодат»дан вақти-вақтида топшириқ бериб туришарди. Кўпинча бунинг ташаббускори Зулфия опа бўларди. Бир гал сафардан топшириқларни бажариб қайтдим. Оддийгина қишлоқ аёли ҳақида лавҳа ёздим. Унинг тонгда туриб ситир соғишу тандирда нон ёпиши, шийпон-

ўйлаб қолдим. Зулфия опа ўта доно, оқила аёл эди-да. Энди катта бир соғинч, катта бир муҳаббат ила биз шогирдлар уларни хотирлаймиз, асарларини мутолаа қиламиз. Ана шундай соғинч дамларининг бирида кўнглим ўз-ўзидан оққа тўкила бошлади.

...Кўз олдимга келмиш ажиб бир инсон. Ўта латофатли, сарвқомат, вафода бетакрор, ишқидо баҳор. Кўзлар жилосида ба-шарий садо, Садоки — бу меҳр — халқига, элига. Садоки оила, бахтига фидо... Бу Зулфияхонимдир, шухратли, шонли, Ҳамид Олимжону Ҳулкар, Омонли.

Шеърят — умрининг фасли баҳори, кўнглининг таянчи ва ифтихори, уни ўз фарзанди каби бағри тўрида асраб-авайлайди илҳомга тўлиб. Осмонга боқар, тўймас самонинг унга қулиб турган юлдузларига. Ховулаб олгиси келади, қафтларини очиб: «Келинг, қўлларимга бўлингиз меҳмон».

Зулфия опамиздек асл аёлни эслаганда кўз ўнгимга жаҳонни ларзага солган қудратли аёллар келади. Аёллик, жуфти ҳалоллик

бурчини бахонидил адо этганларнинг ҳаёти дунё аёллари учун намуна эмасми?

Шарқ аёлининг оиласига, жуфти ҳалоллига ҳурмати мана шундай юксак.

Мен Зулфия опа сиймосини кўз олдимга келтирганимда, яна бир қарра ҳаётнинг моҳияти, аёл бўлишдек бахтнинг шаъни шарафи ҳақида ўйлайман. Оналик аёл зотига насиб этган катта шарафдир.

Зулфия опа мўътабар сиймолар қаторида турадиган улуг шоира, ҳам арбоб, ҳам она сифатида биз учун бениҳоя қадрлидир.

Яйра САЪДУЛЛАЕВА

ТАБРИК

Гўзал бир оламнинг хуршид-ҳоқони,
Меҳрингдек тошириб қайноқ зиёни,
Мунаввар айлабсан бизнинг самонни,
Ул қутлуғ қадаминг муборак энди!

Зимистон қаърида мудраган олам
Куёшини тоилди ниҳоят, санам!
Янги бир оламни кашф этдинг сен ҳам,
Кашф этган оламнинг муборак энди!

Икки олам юки кўп зилдир бешак,
Кўтарарми икки ишқ юкин юрак!
Бунинг учун катта жасорат керак!
Жасорат — ҳамдамнинг муборак энди!

Куёшсан, куёшлик ниятинг — қутлуғ,
Икки олам — нисли икки қўлда чўғ.
Энди бу ситамдан қутулмоғинг йўқ,
Ул буюқ ситамнинг муборак энди!

М.БОБОЕВ 1941 йили Самарқандда таваллуд топган.

Шоир, драматург, адиб, таржимон. Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тавомлаган. Кўп йиллар давомда нашриётлар, театрлар, радио, Ёзувчилар уюшмасида ишлаган. “Онамга хат”, “Олисдаги чироқ”, “Баҳор кайфияти”, “Кечки троллейбус”, “Қани менинг юлдузим?” каби китоблар муаллифи. Муин Бейсу, Эдуардас Межелайтис ва бошқа шоирларнинг шеърларини, Валентин Катаевнинг “Ҳаёл чечаклари” асарини таржима қилган. Тошкент ва вилоят театрларида “Гурун”, “Тунис президенти” сингари кўнлаб драмалари саҳналаштирилган. “Қўнғил кўчалари” видеофильми сценарийсининг муаллифи. 2003 йилда вафот этган.

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллиги арафасида Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлган қирқдан ортиқ ёш ижодкорлар иштирокида мушоира ўтказилди. Қўмита раиси Э.Боситхонова Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини муносиб қутиб олиш бора-сида республикамизда олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берар экан, ижодкор қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг асарларини республика матбуотида кенг тарғиб этишга алоҳида тўхтади. Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлган шоира қизлар ижо-

дидан саралаб олинган назм, наср ва таржималардан иборат элликта асар Ёзувчилар уюшмасига тақдим этилди.

Учрашувда устоз шоира Зулфия ижоди ва ҳаётий фаолиятига бағишлаб нашрга тайёрлана-

МУШОИРА

ётган бир қатор китоблар хусусида, халқимиз эъзозлаган шоирларнинг халқаро миқёсда эътироф этилгани, хорижлик ижодкорларнинг фикрлари, шунингдек, шоира асарларининг инглиз тилига таржимаси ҳақида сўз юритилди. Филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов устоз шоира Зулфия но-

мини халқаро миқёсда тарғиб этиш, шунингдек, “Хотира синиқлари” достонининг аҳамияти ҳақида сўзлади.

Таниқли шоира Г.Жўраева хорижлик шоирларнинг Зулфияга бағишланган шеърларини ўз таржимасида ўқиб берди.

Ўзбекистон халқ шоирлари Ойдин Ҳожиева, Иқбол Мирзо ёш шоирлар бошлаб берган мушоирани давом эттириб, Зулфия ибрати ҳақида сўзладилар.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлган ёш ижодкорларнинг ушбу мушоирада ўқилган асарлари газетамизнинг келгуси сонларида ўқувчилар эътиборига тақдим этилади.

Ўз мухбиримиз

“ҚИЛДИ-ЛО” СЎЗИ

“қилдилар” маъносини бермайди(ми?)

Навоий “Хазойин ул-маоний”идаги тўрт девоннинг ҳар бирида феълга қўйилган “-ло” қўшимчаси билан тугайдиган 2тадан ғазал учрайди. Бу қўшимча “лом” ва “алиф” ҳарфларини қўшиб орқали ёзилгани учун “лом”-“алиф” дейилади.

Шу санокдаги 1-, 3-, 4-, 5-ғазалларда “қилди-ло”, 2-ғазалда “айлади-ло”, 6- ва 7-ғазалларда “бўлди-ло” сўзлари радиф бўлиб келинган. 7 байтли 8-ғазалда эса қофияга олинган 8(сало – бало – тўло – жило – мало – ало – масало – айлади-ло) сўздан охиригисиданига “-ло” феълга (айлади-ло) қўйилади.

Феълга қўйилган “лом”-“алиф” билан тугайдиган бундай сўзлар шоирнинг бошқа асарларида ҳам учраб туради. Масалан, “Фарҳод ва Ширин”да шундай байтга дуч келамиз:

Насибон гуссаю дара айлади-ло,
Вужуду тугроғини гард айлади-ло.
Албатта, бугунги шеърхонга бу шакл таниш эмас.

Шоир асарларида учрайдиган мазкур ходисанинг моҳиятига етмай туриб бу мисралар маъзини қақиб бўлмайди. Шундай маҳалда “Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” асқотари. Бироқ 4 жилдли бу луғат 1983 – 1985 йиллари бор-йўғи 2 минг нуҳсанинг нари-бери-сиданига босилган. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов яқинда “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Сўз латофати” китобида қуйини ёзганидек: “Шу номукамал манба ҳам кўп йиллардан бери қайта нашр этилмагани учун китоб дўконларидан топиш иложсиз”. Ҳозир бу луғат кимда бор-у, кимда йўқ? Ахир, шундай катта нуфузга эга халқ учун бундан 30 йиллар бурун чиққан 2 минг китоб нима бўлади? Шунинг учун Навоий ижодининг бундай нозик нукталарини кенгрок ва батафсилроқ шарҳлашга катта эҳтиёж бор.

Мазкур луғатда “-ло”нинг икки маъноси тушутирилган. Биринчиси шуки, “-ло” сўз эмас, юклама. У худди ҳозирги тилимизда мавжуд “-ку”, “-да” юкламалари каби ҳиссий муносабатни қўллайди ифодалаш вазифасини бажаради. Иккинчиси шуки, “-ло” – сўз, у бизга араб тилидан кириб келган ва инкор аломати бўлган “йўқ”, “эмас” маъноларини аниглайди. Масалан, “Ло Илоҳа Иллоҳ” (“Оллоҳдан бошқа Илоҳ йўқ”), “локал” сўзларидаги “ло” шу маънода ишлатилади. Навоий тилида алоҳида ҳолда ҳам учрайди: “...Ҳадис лоз Ҳозир қилмоқдирим, ўз нафъига ло дурур”(“Фарҳод ва Ширин”, 54-боб насрий сарлавҳасидан). Унда-бунда феълга қўйилиб келган “-ло” юкламасини кўплик қўшимчаси сифатида тушунилиб, масалан, “қилди-ло” сўзи “қилдилар” тарзида талқин этил-

ган ҳолларга ҳам дуч келамиз. Ҳолбуки, навоийшуносликка кириш учун мутахассислашиш керак. Мутахассислиги даражаси паст тадқиқотчигина шундай хатога йўл қўйиши мумкин.

Бунга сабаб нима?

Тил табиатан ҳамisha иҳчамликка интилиб бораверади. Дунёдаги жами 24 туркий тил орасида уйғурлар ва ўзбекларнинг бир қисми тилнинг асрлар давомидаги тараққиёти натижасида кўплик қўшимчаси бўлмиш “-лар”ни иҳчамлаб, бўгин охиридаги “р” товушини тушириб қолдирган ҳолда, яъни “-ла” тарзида талаффуз қилишга ўтган. Уйғурларда бу адабий талаффуз меъёри сифатида қабул этилган. Яъни ҳамма жойда “-лар” ёзилса ҳам, уйғурнинг барчаси, ҳатто телерадио суҳандорлари ҳам “-лар”ни худди шевадагидек “-ла” тарзида талаффуз қилаверади. Масалан, “Хурматли тингловчилар”, “олинглар”, “келинглар”... Бизда Тошкент шаҳри ва атрофи, Наманган шаҳри, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятларидаги ўзбек тилининг қарлук-чигил гуруҳига мансуб шевалари, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятларидаги ўзбек тилининг ўғуз гуруҳига мансуб шевалари, Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Туркменистоннинг Туркманобод(собик Чоржуй), Тошхувуз вилоятларидаги ўзбек тилининг ўғуз гуруҳига мансуб шевалари вакиллари “-лар” ўрнига “-ла” ишлатиб кетаверади.

Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Шўрбод, Қаршиёв, Янги қишлоқ, Пешкў туманининг Зандана қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли айрим қишлоқлари аҳли “-лар”ни ҳатто “-ло” (“олинглар”, “келинглар”) деб талаффуз қилади.

Тағни суриштирсанг, бу ҳам беқорга эмаслиги аёнлашади.

Араб ёзувида “а” товуши ақсарият ҳолларда ёзувда акс этмайди. Айниқса, “а” товуши икки ўндош ўртасида келса, деярли ёзилмайди. Аждодларимиз, туркий тилдаги “а” товушини ҳам ёзувда акс эттириш шарт эмас, деб ҳисоблаганлар ва араб ёзуви асосидаги эски туркий алифбо ҳам шу асосда тuzилган. Бироқ “-лар” кўплик қўшимчасига келганда масала тескаричасига ҳал қилинган: бу бўғиндаги “а” товушини “алиф” ҳарфи билан ёзувда акс эттириш шарт, деб белгиланган.

Хўш, нега?
Сабаби – “-лар” қўшимчасидаги “а” товуши – чўзик, оддийроқ қилиб айтилса, катта “а”, қулоққа, ҳатто “о”га яқин эшитилади. “О” эса арабий имлода “алиф” билан ифодаланиши керак. Демак, тахмин этиш мумкинки, биз юқоридан санаган худудлар аждодлари “улор”,

Навоий гулшани

“бизлор” деб талаффуз қилган, бора-бора охириги “р” товуши қисқаришга учраган. Натижада “уло”, “бизло” (ёки



“бизо”) тарзидаги талаффуз оғзаки коидага айланиб улгурган. Аммо бу Навоийнинг биз санаган асарларидаги феълга қўйилиб келадиган “-ло” юкламасини “-лар” кўплик қўшимчаси тарзида тушуниш учун асос бўла олмайди. Шунинг билан бўлган, бирдан боши берк кўчага кириб қоламиз. Айтайлик, “Ғаройиб ус-сигар”нинг 573-ғазали:

Деди: “Васлим бирла кўпни-қўп
ғамингни кам қилай”,
Они қулдин-қулга ўқутмакни
афзун қилди-ло, —

деган байт учрайди. “Деди” сўзи қўлланганидан ҳам билиниб турибдики, гап бир киши, яъни ёр ҳақида кетаяпти. Агар “қилди-ло”ни “қилдилар” тарзида тушунасак, ўз-ўзидан: “Кимлар, ахир?” – деган савол келиб чиқади ва бу саволга матндан жавоб тополмаймиз.

Ўзбек тилида яқка шахсни ҳурматлаш маъносига “сиз”лаб ҳам у ҳақдаги маълумот ташувчи феълга “-лар” қўшимчасини қўйишимиз мумкин. Масалан: “Ус-тоз айтдилар”, – дегандек. Лекин “Ғаройиб ул-кибар”нинг 573-ғазали:

Нигоримга бедод фан бўлди-ло,
“Дилоро”, – дедим, дилшкан бўлди-ло, – деган матлаъ билан бошланади. Агар “бўлди-ло”ни “бўлдилар” деб тушунадиган бўлсак, Навоий “бедод” сўзини “сиз”лаган бўлиб чиқади ва маъно йўқолади. Агар бу байтни: “Нигоримга бедодлик(яъни менинг арзимни инобатга олмаслик) фан(яъни одат) бўлди-ку, (унга): “Дилоро (дилни хушнуд этувчи, гўзал)”, – дедим, (аксинча), дилшкан(дилни синдирувчи) бўлди-ку”, – деб талқин этсак, мантиқ топишган бўлади.

Ёки “Ғаройиб ул-кибар”нинг 574-ғазали мана бу мақтаъ билан тугайди:

Гар Навоийга аввал айлади лутф
Дилбери, сўнгра зулм айлади-ло.
Борди-ю, “айлади-ло”ни “айладилар” тарзида хато тушунасак, шубҳасиз, шоир айбсиз айбдор бўлиб қолади: муаллиф биринчи мисрада дилбарини “сён”лаб, негадир, иккинчи мисрада, мутаносибликка ҳилоф равишда, уни “сиз”лаган бўлиб чиқади. “Лом”-“алиф” баҳонасида Навоий “Хазойин ул-маоний” куллиётидаги яна бир сирни ошкор этиб ўтайлик: тўртала девоннинг ҳам айнан 573 – 574-ғазаллари “лом”-“алиф” синфига мансуб. Демак, шоир ғазалларни девонга жойлаштиришнинг ўзи яратиб олган ўта қатъий бир тартиб-интизомига амал қилган.

Энди ҳулосалашга ўтсак, бўлар. Аввало, билиб олдики, Навоий замонида ўзбек тилида ҳозирги “-ку” ёки “-да” юкламаси каби вазифани бажариб келган “-ло” юкламаси ҳам бўлган. Бу форсийда йўқ, бўлганида эди бу тилининг X асрдан то XX аср бошларигача даври лексикасини қамраб олган “Фарҳанги забони тожикий”дек мўътабар луғатда бу ҳақда маълумот бериб ўтилган бўлур эди. Бу луғатда “-ло” юкламаси ҳақида ҳеч нарса дейлмаган.

Қолаверса, бобокалонимиз тилимизнинг шугина нозик ўзига хоёлигини ҳам кўздан қочирмай, шеърларида муҳрлаб кетгани учун халқимиз бу улғу зотдан то дунё тургунча миннатдор бўлиши керак. Энг муҳими, шоир асарларини ўқишга тутинган киши бундай нозик жиҳатлардан бохабар бўлмоғи лозим.

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими аълочиси

лар билан танишгач, юпун тасавуурларимиз анча бойиганлигини ҳис этамиз. Бу маҳобатли адабий ёдгорликлар, “Адабий-эстетик тафаккур тарихи” китобида исботлаб берилганидай, жаҳон адабий-эстетик тафаккурини ҳам янги, шарафли босқичларга кўтарилишига олиб келди.

Сўзининг муқаддаслиги ва мангу яшовчанлиги омилларидан бири шуки, у ўз вақтида табаррук диний-илоҳий китобларнинг тилига айланган. Ушбу китоблар барҳаёт. Демак, сўз умри ҳам абадийдир. Қолаверса, “Адабий-эстетик тафаккур тарихи”да таҳлил этиб кўрсатилганидай, табаррук диний-теологик китоблардаги асотиқлар, ривоятлар, афсоналар ҳазинаси жаҳон адабиёти ва санъатда кўплаб машҳур ва умрбўйи асарларнинг туғилишига манба ҳам бўлган.

“Адабий-эстетик тафаккур тарихи” китобида асос бўлган қадимги дунё илм-фанида инсониятнинг онгсизликдан онглиikka, асотиқдан тафаккурга ўтишидек буюк босқич сифатида талқин этилади. Бинобарин, бу замонларнинг бошланишида оламни мифологик идрок этиш ҳақки бўлган. Мифологик ҳолат хатто илк пиктографик (образли) ёзувлар савиясида ҳам кўзга ташланади. Мифологик босқич – воқеликка эстетик муносабатнинг ҳам ўзига хос даражаси ва мавқеини белгилайди.

Аммо қадимги даврлар сўнгинда жаҳон адабиётида мифологик дунёқарашдан бадийи қиёслашларга – образли тафаккур қила олиш даражасига ўсиб етишш кўзга ташланади. Асотиқлар (мифлар) белгиланган дунёқарашдан энди бадийи тасвир ва ифода воситасига айланади. Энди илоҳ ва илоҳалар эмас, балки адабиётнинг диққат-эъти-

Олий ва ўрта махсус таълим тизимида адабиётшунослик ва эстетик тафаккурнинг тарихи ҳақида энг умумий маълумотларни берадиган дарслик ва ўқув қўлланмалари мавжуд. Лекин адабий-назарий ва эстетик тафаккур тарихини жаҳон миқёсида олиб қараб, муфассал тадқиқ ва таҳлил этиб берадиган фундаментал ишларга энди киришилмоқда.

Яқинда “Мумтоз сўз” нашриёти томонидан чоп этилган таълиқ адабиётшунос олимлар Ҳамидулла Болтабоев ва Маҳкам Маҳмудовнинг “Адабий-эстетик тафаккур тарихи” тадқиқоти фикримизга далил бўла олади. Ушбу тадқиқот Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий университети мумтоз адабиёт кафедрасининг ҳамкорликдаги лойиҳаси

центристар, масалан, жаҳон маданияти ва тамаддуни тарихи Европанинг “антик давр”идан бошланишини таъкидлаб келди-лар. Турри, Европа тарихидаги антик давр башариятнинг ижтимоий-маънавий тараққиётида буюк бир йўғиниш даври ҳисобланади. Бу даврнинг ана шундай мазмунли юқоридаги китобда анча кенг ва чуқур очилган. Шу билан бирга, бугунга келиб ма-

монавийлик диний таълимотларининг ўзига хос тасвирларидан четда қолмаган бўлса, Мисрнинг ўзи Рим империяси томонидан миллодий I асрда забт этилгач, юнонликлар ва римликлар бу ердаги санъат ва маданиятга, илм-фан ва диний ётқодларига мафтун бўлиб қоладилар. Юнон ва Рим шоирлари Миср асотиқларида тараннум этилган илоҳа Исидани, Бобил илоҳаси

АСОТИРДАН ТАФАККУРГА

асосида тайёрланаётган “Жаҳон адабий-эстетик тафаккури тарихи” кўпжылдигининг биринчи китобида. Унинг саҳифаларида энг қадимги даврлардан ўрта асрларгача жаҳон миқёсида кетган адабий жараёнлар, ўша қадимги замонларда майдонга келган бебаҳо адабий ёдгорликлар, уларнинг манбаида туғилган адабий-назарий тафаккур ва эстетик қарашлар тўғрисида сўз юритилади.

Мазкур тадқиқотнинг яна бир муҳим томони шундаки, унда илмий методология – мавзу ва масалага ёндашув замонавий даражададир. Маълумки, илм-фанда неча ўн йиллар мобайнида европацентристик методология устунилик қилиб келди. Бундай методология тарафдорлари ахлит дунёни Шарқ ва Ғарб сингари икки худудга бўлиб, уларни турли жиҳатлардан қарама-қарши қўйиб қарар эди. Лекин ҳозирги замон илм-фанида бундай дунёқарашнинг эскирганлиги эътироф этилмоқда. Европа-

даният ва тамаддунининг бешиги Шарқ эканлиги қадимшунослик маълумотлари асосида ўз исботини топган. “Адабий-эстетик тафаккур тарихи” тадқиқоти муаллифлари ана шундай қарашдан келиб чиқибшган. Китобнинг илк саҳифаларида қадимги Миср, Шумер ва Бобил ҳамда Хитой ва Хиндистондаги адабий-назарий қарашлар тарихи тўғрисида сўз юритилади. Эътиборлиси, ушбу худуддаги маданият, адабиёт ва санъат, ўз навбатида, Европа маданияти ва маънавиятига ҳам ижодий таъсир кўрсатганлиги кўплаб маълумотлар билан далилланади.

Бундай маълумотлар китоб муаллифларининг яна бир муҳим илмий ҳулосасига асос бўлади: жаҳон адабиёти ва санъати ўша қадимги замонлардан бошлаб ҳар бири ўз ҳолича эмас, балки ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро таъсирланишлар манбаида ривожланган. Масалан, Мисрдаги маданият ва маънавият Осиёдаги зардуштийлик ва

Астарта ва Анахитани қуйлаган мадхиялар яратдилар. Нега? Чунки, масалан, Исидани мифларда инсониятга ҳаёт ва тинчлик ато этувчи, одамлар ҳаётига тарбия ва интизом киритувчи, уларга санъат ва ҳунармандлик сир-асрорларини ўргатувчи, бир сўз билан айтганда, эзгуликлар, фидойисли бўлган илоҳадир. Бундай инсонпарварлик орузи-интилишлари юнон ва рим адабиёти намояндаларини ҳам ўзига асос этган, албатта.

Биз “Билгамиш”, “Маохоборат”, “Рамаана”, “Панчатантра” (“Беш китоб”), Фирдавсийнинг “Шохнома”си, қадимги туркий битиклар каби Шарқ адабиётининг ўлмас дурдоналари, Европа антик адабиётининг “Илиада”, “Одиссея” каби шоҳ асарларини тўғрисида кўп эшитганимиз ва уларнинг мазмун-моҳиятидан бир қадар огоҳимиз. Аммо “Адабий-эстетик тафаккур тарихи” китоби саҳифаларида бу асарлар тўғрисида берилган бой маълумотлар, муфассал таҳлил-

Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида

ЙИҒЛАЙ ОЛИШ БАХТИ

Ҳаёт у ҳақда ёзиш учун эмас, балки уни яшаб ўтиш учун берилганини мен ёддан чиқармасликка ҳаракат қилдим. Табиат менга нимани раво қўрган бўлса, барчасини синаб қўришга уриндим. Ижодга эса, ўзимнинг бирдан-бир мақсадим деб эмас, инсониятга хос бошқа фаолият турлари билан уйғунликда олиб бориладиган бир соҳа сифатида қарамим.

Сомерсет МОЭМ

Мени ишқ сайқаллади, инсон бўлдим. Дунёнинг улуғворлиги ва ожизлигини билдим.

Муҳаммад ИҚБОЛ

Японияда бўлганда менга “Чўмилиди аёл дарёда” шеърини ёзган шоир — Қайсин Қулиев юртидан келган меҳмон сифатида иззат-икром кўрсатишди. Улар шоир ҳамон нозик дид ва теран тафаккур билан инсон гўзаллигини васф этадиган шеърлар битаётганига ишонишларини айтишди. Япон аёллари “Чўмилиди аёл дарёда” шеъри муаллифига қизгин саломларини етказишимни сўрашди.

Давид ҚЎФИЛТИНОВ

Жеймс Жойс адабий ҳодиса, энди у такрорланмайди, у мутлақо беназир. Жойсининг мактаби бўлмаслиги мумкин, бироқ унинг жаҳон маданияти ва адабиётдаги мавқеи беқиёс.

Дмитрий ЛИХАЧЁВ

Қайсидир бир қайғули, ғамгин нарсасга қулган бўлсам, бунинг сабаби йиғлай олмаганимдандир.

Горж БАЙРОН

Менингча, ҳозирги ёшлар мақсадларини йўқотмаган, улар мақсадларини парчалаб юборганлар. Фикримча, бугунги дунёда бу муқаррар ҳолат. Мен қадриятларга эътибор сусайган шароитда ноаниқ мақсад кетидан юрган одамлар ҳақидаги воқеаларни ёзмам. Эҳтимол, китобхонларим орасида ёшларнинг кўпчилиги шундандир.

Мукамал матн деганлари, аслида, йўқ нарсас. Худди буткул умидсизлик бўлмаганидек.

Харуки МУРАКАМИ

Болалар адабиётида она-табиат мавзуси доимо ўзига хос ўринга эга бўлиб келган. Хусусан, насрий асарларида ёзувчиларимиз бу боқий мавзуга янгича ёндашган, янгича изланишлар бўй кўрсатаётгани қувонарли ҳол. Чунки, ёзувчи Абдусаттор Ҳотамовнинг “Баланд учган турналар” (“Ўқитувчи” нашриёти-матбаа ижодий уйи, 2013) китобидан жой олган ҳикояларда она-табиат мавзуси бола ва муҳит, бола ва ҳатталар ўртасидаги муносабатга алоқадор воқеалар тасвири орқали ёритилган. Чунки, “Мовий осмон”, “Ғайрат неча қочиб кетди?”, “Қушлар қайтиб келди”, “Оқ қабутар” ҳикояларида муаллиф бадийи ниятини шаҳар болалар ҳаётига боғлаб кўрсатишга интилган. “Мовий осмон” ҳикоясида қўпқаватли уйларида яшайдиган кич-

қабутарлари унинг ёнига қайтиб келади ва бу болага чексиз секинча бағишлайди: “қанотли дўстлар”и меҳру садоқатидан таъсирланиб, қўзлари ёшланади. Ҳикоя сўнггида Жамол келажакда муҳандис бўлиб, паррандалар ҳам яшаш мумкин бўлган қўпқаватли уйлари қуришни орзу қилади. Муаллиф бола характерининг шаклланиш босқичини унинг табиатга муносабати орқали очаркан, қалбиди пайдо бўлаётган меҳр-шафқатни, олижаноблиқни кўрсатишни ният қилган.



Тўпламдаги “Орзу дарахти” ҳикоясининг мазмунини ҳам бевосита табиат билан боғлиқ воқеалар замирида очилади. Ўсмир Сарвар қоровул чол айтган “орзу дарахти”ни топишни, “учувчи бўлиш” ҳақидаги ниятини айтиб, дарахт билан даррлашишни мақсад қилади. Аммо тоғ йўли-

ОРЗУЛАР БАЛАНД УЧАДИ

кинтойлар ўйнашга жой тополмай катталардан дақиқ эшитса, “Ғайрат неча қочиб кетди?” ҳикоясидаги бола кучука боқини истайдими, аммо унга жой тополмай қийналади. Диққатга молик жиҳати

Китобдан яхши дўст бўлмас

шундаки, ҳикояда муаллиф Ғайратнинг жонли табиатга муносабатини умумлаштира олган, оиладаги катталар – ота ва онанинг хатти-ҳаракатлари тасвири орқали боланинг руҳий ҳолатини таҳлил қилган. Она ўғилчасининг ўй-хаёллари, хоҳиш-истаклари билан умуман қизиқмайди. Бироқ онанинг муносабатини ҳам тушуниш мумкин, чунки қўпқаватли уйда ит боқилмайди, бу урф-ода тизимига зид. Шу нуқтага назардан, ёш қаҳрамон кўнглида кечган туйғунларнинг табиийлигини тасдиқлаган ҳолда, ҳар бир бола учун онаси дунёдаги энг азиз, меҳрибон инсон эканини ҳам назардан қочирмаслик керак. Зеро, онани салбий қиёфада кўрсатиш билан ёш китобхонга бундай тасвирнинг таъсирини ҳам жиддий ўйлаб қўриш керак. Албатта, бола қалбига йўл топиш, унинг истаги амалга ошишига қўлқўлашчи унчалик қийин иш эмас. Бунинг учун Ғайратнинг отаси каби катта ёшдаги инсонлардан озгина ҳафсала, эътибор талаб этилади.

“Оқ қабутар” ҳикоясида қаҳрамон Жамолнинг қанотли дўстлари билан мулоқотдан олган бир олам ҳис-ҳаяжон, ички кечинмалари самимий тасвирланган. Болақай ота-онасининг даққиларидан зада бўлиб “бир ҳуф олачипор қабутарларини сотиб” юборганидан афсусланиб юрганида,

да ҳаво туйқусдан ўзгариб, ёмғир қўйиб қолиши оқибатида бола қуёқ дарахтнинг ичига бекинишга мажбур бўлади... Ҳикоядаги ушбу бурилиш нуқтаси жуда ўринли топишган. Тоғ йўли ёруғ ва сершовқин, дарахтзорда эса қоронғулик, жимжитлик ҳукмрон. Бундай вазиятда Сарварнинг юрагига ваҳима тушади. У бутун вужуди билан ёлғизлиқнинг қўрқинчи эканини ҳис қилади. Дарахтлар орасидан тўшиб турган бир тутам нурдан ўзига юпанч ахтаради. Ҳикояда ёш қаҳрамон кўз ўнгига рўй берган кичик воқеа унинг кўнглида атрофдагиларга, синфдош дўстларига нисбатан пайдо бўлган аламзадалик ҳиссини, гина-қудратни тарқатиб юборади, маънавий оламини бир қадар улғайтиради.

“Баланд учган турналар” ҳикоясидаги эътиборга лойиқ жиҳат шундаки, асарда ўқувчилар устозларининг самимий муносабатини, меҳрини чуқур ҳис этадилар, унинг берган топишиқларини баҳонидил бажариб, хурсанд қилишни истайдилар. Мактаб директори устозга танбех берганида, ўқувчилар бу танбехнинг ноўринлигини англаш унга ачинадилар. Болаларнинг беғубор қалбида улар ясаган варрақлари ҳали турналардан ҳам баландроқ учошига умид ва ишонч уйғотган устозларига ҳурмат янада ортади.

Абдусаттор Ҳотамовнинг мазкур тўплами улғайиб келаётган ёш авлод қалбига табиатга, жонотларга шифат ва муҳаббат туйғунларини, катталарга ҳурмат, дўстликка садоқат руҳини тарбиялашга хизмат қилиши билан қимматлидир.

Замира ИБРОХИМОВА,
филология фанлари номзоди

Михли САҒАФОВ

Катта сахнага қўйилган биринчи қадам, илк синов ва эътироф ҳар бир ижодкор учун унутилмас воқеадир. Боиси етук сахна асарларининг бари ижодий тажрибалар, изланишлар замирида бунёд бўлади. Ёш ижодкорларнинг аънавий "Дебют — 2014" кўрик-фестивали театр оламида янги номларни кашф этиш, сахна санъатининг эртанги равнақини белгилаш йўлидаги муҳим анжуманга айланди.

Бешинчи бор ўтказилаётган мазкур фестивал жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотди. Танлов мундарижаси янада бойиб, нафақат режиссура, балки драматургия, сценография, актёрлик ижроси сингари йўналишларни қамраб олиши, бир вақтнинг ўзига учта санъат — адабиёт, театр ва тасвирий санъат негизда ташкил этилгани айни мудида бўлди.

Фестивалга тақдим этилган спектакллар мавзу ва жанр жиҳатидан ранг-баранг. Улар орасида миллий ва

деган Мангуҳаёт роли тақдим этилди.

— Мангуҳаёт ўзига хос залворга эга қаҳрамон, — дейди С.Саидбекова. — У Тонгли элининг давомчиси, эзгу мақсадлар, ёруғ кунлар саодатини кўраётган бахтиёр қиз тимсолида намоён бўлади. Қаҳрамоним сахнада бир неча дақиқа кўриниш беради, холос. Лекин шу паллаларда томошабинни некин таассуротлар, умид ва ишонч туйғуларига ошно этади. Мангуҳаёт тимсолида устозларимиз кўп бор таъкидлаган, "ролнинг катта-кичиги бўлмайди"



2014 ДЕБЮТ

дан рассомга боғлиқ. У асар талабидан келиб чиқиб, воқеликни бадий образлар орқали томошабинга етказди. Шу нуқтаи назардан "Дебют" кўрик-фестивали сценография йўналишида ижод қилишни мақсад қилган ёш мўйқалам соҳибларини бир мақсад атрофида бишлаштиргани назаримда фойдали жараён бўлди. Зеро, фестивал давомида улар профессионал театр рассомларининг ишларига ҳам баҳо бериш имконига эга бўлишди. Барча ижодий ишлар соҳа мута-

драматик ҳолатларнинг кескинлиги билан ажралиб туради.

Шунингдек, тадбир давомида жажжи томошабинларга мўйқаланган сахна асарлари ҳам намоёйиш этилди. Фаргона вилоят кўғирчоқ театрининг дебютант режиссёри Дилмурод Мўминов сахналаштирган "Бўл, тоза бўл" (К.Чуковский асари асосида) эртак томошасида соғлом турмуш тарзига риоя қилмасликнинг салбий оқибатлари кўрсатилса, Республика кўғирчоқ театрининг ёш режиссёри Шахзода Эшмухаммедованин "Учар қовуш" ("Зумрад ва Қиммат" эртаги асосида) спектаклида болаларнинг сеvimли эртак қаҳрамонлари тимсолида меҳнатсеварлик ғоялари тарғиб этилади. Қолаверса, замонавий мавзудаги "Палахмон тоши" (Хоразм мусиқали театри), "Вкус мёда" (Ўзбекистон ёшлар театри), "Киз келин" (Ўзбек давлат драма театри) каби спектакллар ижтимоий ҳаётда учраб турувчи айрим муаммолар, ёшлар ўртасидаги муносабатлардан ҳақида ҳикоя қилади.

Спектакллар намоёйишдан сўнг таниқли мутахассислар ҳамда ёшлар иштирокида муҳокама жараёни, маҳорат дарслари ташкил этилди. Сўзга чиққанлар ёш ижодкорларнинг муваффақияти билан бир қаторда келгусида эътибор қилиш лозим бўлган жиҳатлар хусусида ҳам алоҳида сўз юритишди. Муҳокама-лар чоғи ёш драматургларнинг ижодий асарлари ўқилиб, уларни сахналаштириш юзасидан та-

лиф-мулоҳазалар билдирилди. Бу йилги танлов театр санъатининг барча баҳаларини қамраб олгани билан эътиборли бўлди. Ёш ижодкорлар сахна санъатининг назарий ва амалий сир-асрорларидан чуқур хабардор бўлишмоқда. Бундай танловлар бўла-жақ санъатшунос ва театршунослар учун ҳам яхши имконият ҳисобланади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, "Дебют — 2014" фестивали сахна бўсти-нида янги низоҳлар кўкка бўй чўзиши учун мустаҳкам замин ҳозирлади.

Бугун Миллий академик драма театрида "Ўзбек театрида ёшлар ижоди: ютук ва муаммолар" мавзусида илмий-амалий анжуман ҳамда танлов қатнашчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Шохрух АБДУРАСУЛОВ

Изтироб кетар, гўзаллик қолур

Микеланжело БУНАРРОТИ:

Гар ноҳақ бўлсам, кўнглимни уйғот, Эй самовий гўзаллик. Тош ҳам, қоғоз ҳам беундир, инон, Ожиз бўлса мусаввир.

Ҳар истеъдод мағлубдир охир, Буюкликда табиат-ла беллашса агар.

Авом ҳимматига тобеъ фақир мисоли, У барибир қарздордир мендан. Гўзаллик тугилибон берилмаган унга, Бари тасаввурим қудрати, ишон.

Агар одамлар мендаги маҳорат нақадар азобли меҳнат эвазига қўлга киритилганини билишганда эди, асарларим бу қадар ажойиб бўлиб туюлмасди уларга.

Кичик жиҳатларга эътибор — мукамалликка элтувчи йўл. Аммо мукамаллик — бу кичик жиҳат эмас.

Поль СЕЗАНН:

Мен бу дунёнинг бокира сиймосини чизмоқ истайман.

Ҳиссиётдан маҳрум санъат, асл музмунига кўра санъат эмас.

Қалбни чизиб бўлмайди. Мусаввир фақат вужудни чи-зишга қодир. Агар вужуд маҳорат билан тасвирланган бўлса, у ҳолда қалб қуёш мисоли нур сочади ва жамики рангларга ҳаёт бағишлайди.

Табиатга эътиқод этиб, классикага қайтмоқлик даркор. Негаки, барчаси ҳиссиётга, яъни табиатни ҳис қилиш ва ўқий билишга боғлиқ.

Афсуски, бу чалкаш дунёда инсоннинг ёлғиз дўсти — вафодори санъат ҳам ҳаёт ҳаққониятини дидимизга, талабу истакларимизга мослайди.

Огюст РОДЕН:

Санъат жасоратни талаб этур!

Қачонки ҳар бир инсон мусаввир қалбига эга бўлса, шундагина дунё бахтга эришгай, шундагина ҳар ким ўз меҳнатидан завқ топғусидир.

Гўзаллик хизматига умрини бахшида қилмакни ихтиёр этган ёшларга айтар сўзим шу: табиат сизнинг ёлғиз маъбудангизга айлансин. Билингки, ҳуноқлик ёт эрур унга; шухратга эришиш иштиёқи сизга панд беришидан кўркмай, садоқат-ла хизмат қилинг.

Санъат — самимиликнинг гўзал сабоғидир. Чин мусаввир нени ўйласа, шуни тасвирлайди ва мавжуд меъёрлар чегарасини бузиб ўтишдан кўркмайди. Айнан шу йўл билан у ўзи каби кишиларни самимиликка ўргатади.

Барча буюк усталар макон сирини ўрганишган. Уларнинг қудрати ҳажм илмини билмакда намоёндир. Шунинг ёдда тутингки, чизиқлар — мавҳум, фақат ҳажмлар мавжуд. Чизаётиб сиз андаза ҳақида ўйламайсиз, фақат шакллар жозибаси сизни безовта қилади. Негаки, айнан шу жозоба бари-ни бошқаради.

Пьер Огюст РЕНУАР:

Рассомга миннатдорлик изҳор этишнинг ягона йўли — унинг картинасини харид қилмоқдир.

Бугун одамлар барча нарсани тушунтириб бери-шингни истайди. Бордию картинани тушунтириб бери-нинг илоҳи бўлса, демак, бу санъат эмас.

Мен аёлларни мўйқаламим ила севаман.

Азиз дўстим, сира куюнма! Такаббур бир муҳаррир сен яратган асарларни олифта журналида чоп этишни истамаган экан, демак, у чин истеъдод қушандаси, қалби ҳам, кўзи ҳам басир нодон. Унинг эътирозу баҳона-ларига қулоқ солма, гўзаллиқни тағаффул этма. Билгинки, тарих муҳар-рирларни эмас, мусаввирларни хотирляяжак.

Санъат асарини тасвирлаб ҳам, тақрорлаб ҳам бўлмайди.

Изтироб кетар, гўзаллик қолур...

МУМТОЗ НАВО СЕҲРИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида таниқли санъаткор, халқ хофиз Эркин Рўзमतовнинг концерт дастури бўлиб ўтди. Мумтоз мусиқа ихлосмандларининг ўзига хос анжуманига айланган тадбирда ёш хонанда ва созандалар ҳам иштирок этди. Мухлис-лар эътиборига мақомнинг турли йўлларида яратилган куйлар, мумтоз шоирлар ғазалларига басталанган сара ашулалар ҳаво-ла этилди. Кечда Эркин Рўзमतов томонидан Алишер Навоийнинг "Эй хофиз" ғазали асосида яратилган ашула тақдими ҳам ўтказилди. Тадбир давомида устоз санъаткорлар, шоир ва мусиқашунослар сўзга чиқиб, таниқли хофизнинг ижоди, мумтоз мусиқа ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида фикр билдиришди.

Соҳиба НУРИДДИНОВА

Маданий ҳаёт

ИЖОД САРОЙИДА ФЕСТИВАЛ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройи бугун янги истеъдод соҳибларини кашф этувчи минбарга айланган. Ижод саройида бўлиб ўтган "Санъат мактаби" телевизион фестивали ҳам бунга далил. "Соғлом бола йили"га бағишланган ушбу тадбир Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Асосий мақсад ёшларнинг мусиқий истеъдодини шакллантириш, умидли хонанда ва созандалар фаолиятини тарғиб


қилишга қаратилди. Иштирокчилар эстрада, аънавий ва академик хонандалик, чолғу ижрочилиги, рақс йўналишларида ўз маҳоратларини намоёйиш этишди. Барча чиқишлар жонли ижрода тақдим этилганини ҳам таъкидлаш лозим. Фестивал ақунларига кўра, Фарход Тошалиев, Жамшидбек Очилов, Севара Жўраева каби иқтидорли ёшларнинг чиқишлари юқори баҳога сазовор бўлди.

Хумора ЙЎЛДОШЕВА

СОЗ ВА СОЗГАР

"Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси" биносига уста Усмон Зуфаров таваллудининг 120 йилли-гига бағишланган "Умрбоқий соз-лар" миллий мусиқий чолғулар кўргазмаси ҳамда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда, машҳур соз-гар ашаган ва хозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваториясининг "Миллий чол-ғу" музейи фонди-да сақланаётган

олган. Шулардан саккиз турини қайта тиклашга эришдим. Бу жараёнда Уста Усмоннинг ишлари мен учун энг қимматли манба сифатида хизмат қилди.



Нафақат садоси, балки ўзига хос шакли, нафосати билан ажралиб турувчи миллий чолғуларнинг ҳеч бири томошабинларни бефарқ қолдиргани йўқ. "Хунарманд" уюшмаси раи-си Мухаммадйосиф Курбонов таъкид-лаганидек, созгар-лар кўргазмаси ҳамда унинг доира-сида ўтказилган ил-

мий анжуман мусиқа санъати билан бир қаторда амалий санъат соҳаси-даги йирик тадбир ҳисобланади. Кўргазма доирасида, уста Усмон Зуфаровнинг фарзанди Тўхтамурод Зуфаровнинг "Соз ва созгарлик та-рихи" деб номланган янги китоби тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Камолиддин АЗИМОВ

Киночилар уйида санъатимиз фидойиларидан бири Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова ижоди-га бағишланган ҳужжатли филм тақдими ўтқа-зилди. "Замон ва тақдирлар" туркумида суратга олинган янги картина намоёйишида кўплаб санъат ихлосмандлари, таниқли ижодкорлар, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Тадбир доирасида Тўти Юсупова билан ижодий учрашув ҳам ташкил этил-ди. Йиғилганлар устоз санъаткор билан мулоқот қилиш, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш имконига эга бўлишди. Саҳна ижодкорлари, санъатшу-нос мутахассислар ҳам сўзга чиқиб, акт-рисанинг узоқ йиллик ижоди, инсоний фа-зилатлари ҳақида сўз юритишди. Миллий театр ижодкори Лола Элтоева таъкидлаганидек, Тўти Юсупова истиқлол даври санъатида ўз сўзини айтишга, кўплаб шоғирдларни тарбиялаб, ўзбек киноси ва театри ривожига салмоқли ҳисса қўшишга эришди. Актриса яратган образ-лар, айниқса, ўзбек оналарининг самими сиймоси миллий санъатимиз тари-хидан жойла олган.

Дилдора БЕРДИБЕКОВА

ЭЗГУ ҒОЯЛАР ТАЛҚИНИ

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида ижодий жараён авжида. Яқинда Театр сах-насида "Эрка болам", "Сен гулсан", "Оқ ёмғир" деб номланган спектаклларнинг тақдими бўлиб ўтди.

Драматург Холик Хурсанов қала-мига мансуб "Эрка болам" спектакли-ни Ўзбекистон санъат арбоби Мансур Равшанов сахналаштирди. Спектакл-да гиёҳвандликнинг фожеали оқибат-лари, бу офатни енгиш йўллари дра-матизмга бой воқеалар мисолида ҳикоя қилинади. Томошадаги асосий ролларни Ҳ.Орипов, С.Тиллаев, М.Ша-рипов, Д. Юнусалиева ва Ш.Шокиров сингари актёрлар ижро этишмоқда.

Акбар ЭРГАШЕВ

ПАБЛО ПИКАССО. "ТИНЧЛИК КАБУТАРИ"



“ТАФАККУР”

2014 йил, 4-сон

Ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журналнинг ушбу сони Абдурахмон Жомий таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан мумтоз шоир назмиётидан сараланган иктибослар билан очилади. “Миллат ва маънавият”, “Нима дейсиз, замондош?” руқлари остида эркин инсон ва маънавий тарбия, байналмилал маданият, инсоннинг яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳиятини оширишга доир масалалар юзасидан мушоҳада юритилади. Собиржон Ёқубовнинг “Кемага тушганинг жони бир”, Мухиддин Раҳимнинг “Қисматинг на-дур, одамизод?” сарлавҳали мақола-лари янги аср муаммоларига бағишланган. Муаллифлар бағрикенглик сийёсати, “мультикультурализм” гояси” умуминсоний тараққиёт бос-қичларида қўлаб муаммоларга ечим бўлиши мумкинлиги, шунингдек, хал-қаро танглики юмшатиш ва глобал муаммоларга доир “Рим клуби” тадқиқотларига ўқув-

чилар эътиборини қара-тишган. “Ақл мунозараси” руқнида машҳур фи-зик олим А. Эйнштейн-нинг “диндорлик” ва “ху-дожўйлик” тушунчалари моҳияти ҳамда илмий та-факкур муносабатларига доир “Дин ва фан”, “Фан ва дин” ма-қолалари Хуршид Йўлдошев таржи-масида берилган.

Таниқли адабиётшунос олим ИБ-роҳим Ҳаққул “Буюклик тимсолла-ри” руқнидаги “Менга рух тилида сўйланг” мақоласида Шарқ адаби-ётини дунёга танитган улуғ сиймо-лардан Абдурахмон Жомий ижоди сарнамалари, шахсияти, Жомий ва Навоий бобомизнинг дўстлик ва сафдошлик, устоз-шогирдлик риш-талари хусусида фикр юритади. Виктор Алимасовнинг “Тақдирдаги тадбирлар” руқнидаги “Ким дунёни

мендек эрта англади?” ма-қоласи “муҳаббат ва бахтга аччиқма-аччиқ” яшаган, В. Белинский таъбири билан айтганда “инсон қалби ва руҳини нафис тасвирлашда Пушкин ҳам ўзиб кети-ши мумкин” бўлган оташна-фас шоир Михаил Лермон-тов ижодининг бетакрор ру-ҳияти ҳақида сўз боради. Дилноза Янгибоева “Садри Зиёнинг зиё маскани” сар-

лавҳали тадқиқотида ўтган асрдаги шўро босқинига қадар Бухоро амир-лиги шаҳарларида мавжуд бўлган давлат, жамоат ва шахсий кутубхо-налар, улардаги нодир қўлёзма асарлар, хусусан, Бухоронинг энг закий кишиларидан Садри Зиё Му-хаммад Шарифжон маҳдумнинг ғоятда қимматли илмий манбалар-га бой кутубхонаси тақдирига эъти-бор қаратади.

Журналнинг “Навоий соғинчи”, “Қўнғил салтанати”, “Моҳият жило-лари”, “Жавондаги жаҳоир” руқни-лари остида ҳам қизиқарли шеър-лар ва мақолалар эълон қилинган.

Журналларни варақлаганда

“ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ”

2014 йил, 5-сон

Журналнинг илк саҳифаларида чоп этилган Низомиддин Маҳмудовнинг “Зиддият ва жуфт сўзлар”, Равшан Жомоновнинг “Сўз ўзлашти-ришдаги асосий лисоний омиллар”, Абдулхай Собировнинг “Тил тараққиётининг баъзи му-аммоларига доир” мақолаларида тилшунос-лиқнинг бугунги кундаги муҳим масалалари тадқиқ қилинган.

Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулнинг “Шахси-ят ва ижод муштараклиги” мақоласида Шарқ ада-биётининг йирик сиймоларидан бири Абдурах-мон Жомийнинг улуғвор шахсияти, олим ва орифлик салоҳияти, Эргаш Очилловнинг “Жомий асарларининг ўзбекча таржималари” мақоласида улуғ шоир асарлари таржимаси хусусида сўз юритилади.

Б.Ражабовнинг “Хамса” да қўнғил тимсоли” мақола-сида Навоий талқинида “Қўнғил Оллоҳнинг жилваси зу-хурланадиган маскан” эканлиги таъкидланади. Ш.Имомназаровнинг “Ўзбек фольклорига ўлан жан-



ри” мақоласида ўланлар, халқ қўшиқлари ҳақида қизи-қарли маълумотлар берилган. Таржима ва маҳорат ма-салалари Д.Хошимовнинг “Тасвир маҳорати ва тар-жима имконияти” мақоласининг мазмунини ташкил эт-ган. И.Мирзаевнинг “У. Норматовнинг адабий порт-рет яратиш маҳорати” сарлавҳали мақоласида эса, ада-биётшунос олимнинг таниқли ижодкорлар ҳақидаги асарлари таҳлилга олинган. Т.Мир-заевнинг мақоласида таниқли фольклоршунос О.Собиров фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган. Шунингдек, “Илмий ахборот” руқнида босил-ган бошқа бир қатор кичик тадқиқотларда, жум-ладан, “Бир образнинг икки талқини” (Н.Хол-маҳмедова), “Талқин, табилад ва насрий баён ҳақида” (О.Тожибоева), “Хамлет” таржимала-рида ўхшатишларни яратиш” (Б.Бахриддино-ва), “Фонетик воситаларнинг бадиий-эстетик вази-фалари” (Ш.Тошхўжаев) мақолаларида ҳозирги адабий жараён, бадиий асарлар тили сингари мавзулар ҳақида фикр юритилади.

“Мерос” руқнида улуғ адиб Абдурахмон Жомийнинг “Найнома” рисоласи билан танишасиз ҳамда асар тар-жимони Х.Ҳамидовнинг ушбу рисолага бағишланган мақоласини ўқийсиз. Шунингдек, журналнинг ушбу со-нида адабиёт илмига оид янги китобларга тақризлар, илмий ҳаётга доир ахборотлар эълон қилинган.

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ “ИЖОД” ЖАМОАТ ФОНДИ УЮШМА БУЮРТМАСИ АСОСИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ШОИРАНИНГ ҚУЙДАГИ АСАРЛАРИНИ ЧОП ЭТИШ БЎЙИЧА БОСМАХОНАЛАР ЎРТАСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. “Сайланма” — 332 бет, формати 84-108-1.32, адади 3000 дона.
2. “Зулфия замондошлари хоти-расида” — 186 бет, формати 84-108-1.32.
3. Зулфия шеърларининг инглиз тилидаги таржима китоби — 50 бет, формати 70-90-1.32, адади 1000 дона.
4. Зулфия шеърларининг рус тилидаги таржима китоби — 107 бет, формати 70-90-1.32, адади 1000 дона.
5. “Баҳор келди сени сўроқлаб” тўплами — 45 бет, адади 1000 дона.
6. Зулфия шеърларининг қорақал-поқ тилидаги таржима китоби, форма-ти 84-108-1.32, адади 1000 дона.

ТАНЛОВГА ҚУЙДАГИ ҲУЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ШАРТ:

- босмахона хизматини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (рухсатнома) нусхаси;
- картотека қарздорлиги тўғрисидаги маълумотнома;
- нархларни асословчи смета ҳисоб-китоблари;
- танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза (эркин шаклда).

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шох кўчаси, 16-“А” уй.
Телефон: 239-27-84, 239-27-88, 239-27-93
Факс: 245-66-95, 245-87-12

Аризалар жорий йилнинг 30 декабрга қадар Тошкент шаҳар Ўзбекистон шох кўчаси, 16-“А” уйнинг 4-қаватида қабул қилинади.

ҚУЛГҮСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА

Шу йил 25 декабр пайшанба кuni соат 11.00 да Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида Янги йил бай-рамига бағишланган пародия, ҳазил ва ҳажв кечаси ўтказилади. Таниқли ҳажвичи адиблар, сатира-юмор усталари, моҳир миниатюрчилар, шунингдек, барча қизиққанлар таклиф этилади.

ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ “ФАРАНГИР” МЧЖ МАЪМУРИЯТИГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ҚУЙДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА БЕРИЛГАН ШАҲАРЛАРМО ЮК ТАШИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ ЛИЦЕНЗИЯ ВАРАҚАЛАРИ ЙЎҚОЛГАНЛИГИ САБАБЛИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ:

1. MAN 25422 русумли машинага 30.09.2011 йилда берилган, ДРБ 20 U 8450, варақа № 1004543;
2. KATSSBONER VGK 12L русумли тиркамага 02.11.2011 йилда берилган, ДРБ 20 C 463, варақа № 1014599;
3. HOWO SINOTRUK русумли машинага 15.11.2011 йилда берилган, ДРБ 10 433 SAA, варақа № 1022214;
4. HOWO SINOTRUK русумли машинага 25.10.2013 йилда берилган, ДРБ 80 D 070 GA, варақа № 1348196.

НОВОЕ

Эшитмадим деманглар!

Ўйиндан ўт чиқмасин

Мана, йил охирида, янги йилни қутуш арафасида. Янги йил бай-рамини арча ва унга илинаган ўйинчоқларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Иш жараёнида арчага осылган электр ўйинчоқлар, ёрит-гичларнинг назоратсиз қолдирили-ши ёки хавфсизлиги текширилмаслиги оқибатида ёнғин чиқиш ҳолатлари кузатилади. Гарчи, кейинги пайт-ларда ички ишлар ҳодимлари томо-нидан рейдлар ўтказилиб, пиротех-ника воситаларининг четдан мамла-катимизга олиб келишга уринишлар оид олинган бўлса-да, баъзан бун-дай ўйинчоқларни болаларнинг ўзлари ҳам ясаб олиши мумкинлиги назоратдан четда қолмаслиги керак. Инсон саломатлигига пуртар еткази-дан бундай қўнғилсиз ҳодисалар-нинг олдини олиш мақсадида, ав-

вало, оилада, мактабда тарғибот-ташвиқот ишларини қулайтириш зарур. Бола онгига ёнғинни келти-риб чиқарувчи омиллар, унинг оқибатлари ҳақидаги тасаввурни бо-ча ёшларда ўйотиши муҳим аҳами-ятта эга. Чунки болага жуда ёшлиги-дан ўргатиладиган билимлар ва қўйилмаган уни ҳар доим ҳушёрликка ундай-ди. Тошкент шаҳрида ҳам бу борада кент қўламлиги ишлар қилинмоқда. Ёнғин хавфсиз-лиги хизмати ҳодимлари билан тур-ли тадбирлар, учрашувлар уюшти-рилмоқда. Чилонзор туманининг 309-болалар боғчасида ўтқазилган ана шундай тадбирлардан бири бола-жонларимизда катта таассурот қол-диргани шубҳасиз.

Ҳ.МАҲКАМОВ, Ш.УМАРОВ,
Ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳодимлари.

Огоҳлик

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

Машҳураарнинг сўнги иқрори

► Буюк гўзаллик шайдоси ва эстетизм тарафдори, соғлом ақлга зид парадокс фикрларга моҳир бўлган Оскар Уайлд деворлари дидга ёқмайдиган беўхшов гулроғоз билан безатилган хонада жон берган. Ҳатто ўлим олдида ҳам машҳур адибни нозик дид ва юмор туйғуси тарқ этмаган. У: “Ўлдирадиган нақш! Икки-миздан биримиз бу ердан кетишимиз керак”, — де-гану нариги дунёга равона бўлган.

► Михаил Евграфович Салтиков-Шедрин эса, ўлимни “Бу эси йўқ, сенмисан?” — деган савол билан қарши олган.

► Южин О’Нил вафоти олдида тақдирдан но-либ шундай деган экан: “Мен буни билганим! Мен буни билганим! Меҳмонхонада туғилдим ва, жин урсин, меҳмонхонада ўлаяман!”.

► Уильям Сомерсет Мозам ўлими олдида ҳаётда қолаётганларнинг ташвишини чеккан: “Ўлиш — э-рикарли ва ғам-ҳасратли иш. Менинг сизларга мас-лаҳатим — ҳеч қачон у билан шугullanманглар!”.

► Уильям Сарояннинг охириги сўзлари ҳам назокат ва ўз-ўзига нисбатан киноя-пичингдан холи бўлма-ган: “Ўлим ҳаммининг бошида бор, бироқ доимо ўйлар эдимки, менга нисбатан истисно бўлса керак деб. Ва... нима бўлди?”

► Оноре де Бальзак ўлаётби ҳикояларидан бири-нинг персонажи, тажрибали врач Бианшонни эслай-ди ва буюк адиб: “У мени сақлаб қолган бўлур эди”, дея сўнги нафасини чиқаради.

► Иоганн Волфганг Гёте вафоти олдида бирдан: “Ёруғлик керак, кўпроқ ёруғлик!” деб юборган. Бун-дан олдин эса шифокордан яна қанча вақт яшашини сўраган. Врач бир соатдан ортиқ вақт қолмаганини айтганда Гёте: “Худого шукур, фақат бир соат!” — дея енгил тин олган.

► Иван Сергеевич Тургенев Париж яқинидаги Бу-живал шаҳарчасида вафот этаётби, шундай сирли сўзларни айтган: “Алвидо, менинг азизларим, ме-нинг оқ кўнғил фаришталарим!”.

► Гертруда Стайни жарроҳлик хонасига олиб кир-ганларида “Ўхш, жавоб қандай?” деган. У онаси каби саратон хасталигидан вафот этаётби, саволига жа-вобни ҳам кутмай яна сўраган: “Унда савол қандай?” Наркоздан сўнг адиба қайта кўз очмаган.

► Таниқли француз адиби, шоир ва драматург Фе-ликс Арвер чинакам тил жонқури сифатида вафот этган. У ҳамширанинг кимгадир “Қолидорнинг охи-рида”, деб айтган сўзларини эшитиб қолиб, охириги мадорини тўплаб, жон-жаҳди билан: “Қолидор эмас, қолидор!” дея ихраб юборган ва жон таслим қилган.

► Буюк ёзувчи Лев Толстой эса: “Тушунмайман!”, деган экан.

Энг кўп ўқилаётган адабиёт

Франция адабий танқидчилари ҳайрат ила эъти-роф этишадиганидек, Европа китоб дўконлари қаҳри қаттиқ шимол деңизлари тўқини каби ёпирилган скандинавиялик адиблар асарларига тўлиб-тошмоқ-да. Сабаби эндиликда Дания, Исландия, Швеция, Финляндия ва Норвегия ёзувчилари асарларини бу-тун Европа севиб мутулаа қилмоқда. Парижда ўтқа-зилган Дания адабиёт фестивали катта муваффа-қият қозониб, Йенс Грёндал асарлари умумжаҳон эътирофи сазовор бўлди.

Шимол ёзувчилари муҳаббат мавзусидаги детектив сюжетли романлари ҳам теран фалсафий мушоҳада асосига қуришга моҳир бўлиб, яралимиш дунёнинг энг оғирлики саволларига жавоб излайдилар. Даниялик Йенс Грёндал ва Жон Риел, шведиялик Олаф Эквист, нор-вег адибаси Херберт Вассму асарлари жаҳоннинг кўп-ла тилларида таржима қилинган. Фин ва исланд адиблари Софи Оксенен, Аудур Ава Олафсдоттир, Ар-налдур Индрисонен, швед Катарина Мазетти, Эрик Аксл Сунд ва Маж Словалл каби Европа адабиёти осмонида чақнаган янги номлар ҳам ғоятда машҳур бўлиб, улар-нинг асарлари катта қизиқиш билан ўқилимоқда. Шу муносабат билан Парижда Скандинавия мамлакатлари адабиёти намуналарини сотишга иктисослашган китоб дўкони очилди.

“Октябрдаги сукунат”, “Юрак товуши”, “Ўзга олам”, “Виржиния” каби кўп минг нусхада тарқалган роман-лар муаллифи Йенс Кристиан Грёндал “Биз детек-тив ва сериалларга машғул бўлиб, китобхонни жид-дий адабиётга қизиқтиришни унутиб қўйгандек, — дея таъкидлайди. — Бугун замонавий Пер Гюнтла-римиз европаликларни қайтадан абадий қадриятлар-нинг емирилиши ва экстремизм балосидан огоҳ этмоқда”.

Анна Гавалданнинг янги романи

Анна Гавалда Францияда энг машҳур адиби ҳисоб-ланади. Унинг китоблари жаҳоннинг йигирмадан ортиқ тилларида таржима қилинган. Шунинг учун ҳам китоб-хонлар ёзувчининг ҳар бир янги романини интиқлик билан кутишади. Адибанинг “Ян” деб номланган янги асари қаҳрамони 26 ёшли дизайнер. У яхши маълумот олиб, кўп-ла дипломлар соҳиб бўлганга қарамай ўзига муносиб иш топмаган. Ҳозирча эса, юқори тех-нологияли маиший техникалар сотиладиган дўконда менежерлик қилиб, чанглоттич робот ва ҳар хил фан-техника мўъжизаларини сотади. Унинг севгилиси ҳам бор, бироқ сирдан қараганда ҳаётдаги ҳамма нарсасо-ласидагидек бўлиб қўйинса-да, нимадир уни ичдан қийнайди, шу сабабли гоҳи-гоҳида ўзини сувга гарқ қилгиси келиб қолади. Ва кунларнинг бирида у ҳамма нарсасига қўл силтаб, янги ҳаёт бошлашга қарор қилади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ХОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ”
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилми: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилми: info@uzas.uz, uzas@mc.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахриратга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилаб берилади.
Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.08

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адади — 7603 Буюртма Г — 1257. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 12 4 5

ЖУМА КУНАЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

